БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 20 (18.796). • Сешанба, 1984 йил 24 январь • Баҳоси 3 тийин.

ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА МУСОБАҚА

Совет кишилари ёрқин истиқболга беқиёс ишонч билан янги йилга қадам қўйдилар. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андропов нутқининг текстида баён этилган йўл-йўриқлар, СССР Олий Совети сессиясида маъқулланган бунёдкорлик режалари ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақага юксак сурат бағишламоқда. Саноат корхоналарида, қурилиш участкаларида, дала ва фермаларда тежамли, самарали, сифатли ишлаш, юксак пировард натижаларга эришиш учун умумхалқ ҳаракати авж олаётир.

Вақтдан ўзиб ишлаш, меҳнатга онгли, коммунистик муносабат самараларини Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бирлашманинг ўнлаб новаторлари ҳозирдаёқ беш йиллик маррасини эгаллашди. Машкура Қодирова, Шоира Ҳолмуҳамедова сингари коммунистлар ўн иккинчи беш йиллик шахсий планини ҳам бажариш арафасида. Ўтган йили бирлашма корхоналарида маҳсулотнинг 120 янги тури жорий этилди. Ҳар беш буюмнинг бири давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Социалистик мусобақанинг оммавийлиги, ошкоралиги, мусобақа илғорларини рағбатлантириш чораларини кўриб, бирлашма партия комитети ана шундай ажойиб натижаларни қўлга киритаётир. Раҳбар ва мутахассисларнинг ташкилотчилиги, касаба союз, комсомол ташкилотларининг изчил фаолияти ҳам меҳнат беллашувида юксак самарадорликка, пировард натижа учун курашда салмоқли кўрсаткичларга эришилишини таъминламоқда.

Республика партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорлари асосида социалистик мусобақани янада авж олдириш, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлигини ва ялпи сафарбарлигини ривожлантиришнинг янги-янги усул ва услубларини меҳнат коллективлари ҳаётига тобора чуқур сингдириш учун ташкилотчилик ва тарбиявий ишни кучайтирмоқдалар. Зеро, «Бизнинг муваффақиятларимиз, — деб таъкидланди КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқининг текстида, — меҳнаткашларни сафарбар этишга, одамларнинг топширилган ишга ижодий ёндашишига, социалистик мусобақани янада ривожлантиришга ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади».

Республика партия ташкилотларида бир беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажариш, қолоқларсиз ишлаш сингари ватанпарварлик ташаббуслари, «Меҳнатга яраша шон-шараф», «Маҳсулот сифатига — ишчи кафолоти» ҳаракатлари тобора кенг қулоч ёйётир. Тежамкорлик учун курашиб, кам сарф билан кўпроқ сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган коллективлар, новаторлар тажрибаси қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Партия ташкилотлари мусобақанинг ошкоралигини таъминлаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун оммавий ҳаракат қатнашчилари сафиник муттасил ўстириб бормоқдалар. Корхоналар, хўжаликларда илғорлар шарафига Қизил байроқлар кўтариш, уларнинг номини Шон-шуҳрат китобларида қайд этиш, беш йиллик ёш гвардиячиларига дастлабки беш йилликлар қаҳрамонларининг шонли байроғини топшириш сингари анъаналар кенг жорий этилмоқда.

Лекин партия ташкилотларида ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари, партия конференцияларида шу нарса аниқ-равшан кўрсатиб ўтилдики, бир қатор корхоналар, хўжаликларда, районларда социалистик мусобақани ташкил этишда расмиятчилик, ўзибўларчилик кайфиятидан ҳамон тамомила халос бўлингани йўқ. Оммани экономикани юксалтиришга қаратилган кенг кўламли ватанпарварлик ҳаракатини ўзини оқлаган, кўпгина меҳнат коллективлари ҳаётига чуқур сингиб кетган янги усул ва воситалар билан бойитиш борасида етарли ташкилотчилик иши олиб борилмаётир.

«КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг мусобақани жонлантириш борасидаги кўрсатмаларидан ҳануз тегишли хулоса чиқариб олмаётган, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришдаги активлигини кучайтириш чораларини кўрмаётган партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас, — деб ёзади Яккабоғ районидан газетхон Шариф Маҳмудов. — «Шарқ юлдузи» ва Ленин номли хўжаликлар, Будённий номли давлат йилқичилик заводи партия ташкилотларида мусобақани ташкил этишда ўзибўларчилик юз бермоқда. Меҳнатдаги ва ижтимоий ҳаётдаги активликни кучайтиришда оғзаки сиёсий агитация, лекция пропагандаси, маданий-оқартув ишлари таъсирчанлиги таъминланмаётир». Амударё районидаги «Коммунизм» колхозида ҳам шундай аҳвол юз бермоқда. Бу ерда иқтисод ва тежамкорлик учун мусобақани кучайтиришга эътибор суст. Чорвадорлар унумли меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитни яратиш, мусобақанинг оммавийлигига эришиш чоралари кўрилмаётир.

Мусобақа — оммани жонли ижодидир. Хўжалик механизмининг такомиллаштирилиши, меҳнат коллективлари роли ниинг ўсиб бораётганлиги, ишлаб чиқаришда бригада пудрати оммалашиб, меҳнат, ишлаб чиқариш интизомини кескин мустаҳкамлаш тақозо этилаётганлиги ҳам мусобақани ташкил этишни кескин яхшилаш вазифасини илгари сураётирки, буни асло унутмаслик керак. Партия комитетлари мусобақанинг формаларини ҳозирги босқичда меҳнат коллективлари олдида турган вазифаларга изчил ва собитқадам мослаштириб боришлари айниқса муҳим.

Социалистик мусобақанинг оммавийлиги, ошкоралиги ва юксак даражадаги самарадорлигини таъминлашда жамоат ташкилотлари, айниқса касаба союз ва комсомол ташкилотларининг роли каттадир. Улар меҳнаткашлар ўртасида сиёсий-тарбия ишини, маданий-оқартув ишини кучайтиришлари, иқтисодий билимларни пропаганда қилишни тубдан яхшилашлари даркор. Фақат шундагина меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришдаги активлигини ошириш, ҳар бир иш жойида пухта тартиб-интизом ўрнатиш, иқтисод ва тежамкорлик ҳаракатида кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Босиб ўтилаётган ҳар бир кун коммунистик қурилиш солномасида янги саҳифалар очмоқда. Меҳнат коллективлари, бутун-бутун тармоқлар КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини, ўн биринчи беш йиллик планларини бажаришда эришаётган ютуқлар ҳақида ҳар куни кўплаб хушхабарлар, ғалаба рапортлари келиб турибди. Совет кишилари партия ғояларини рўёбга чиқара бориб, ўз иш жойларида юксак унум билан меҳнат қилаётганликларини кўрсатувчи қаҳрамонона ишлар оз эмас. Ҳеч шубҳа йўқки, Ўзбекистон меҳнаткашлари социалистик мусобақани кучайтириб, коммунистик қурилишда янги-янги довонларга кўтарилдилар, социал ва иқтисодий тараққиётнинг ўн биринчи беш йилликкa мўлжалланган улуғвор режаларини шараф билан бажарадилар.

САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШНИ ЯХШИЛАЙЛИК

23 январь куни Москвада СССР Савдо министрлиги коллегияси билан Давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба союзи Марказий Комитети Президиумининг қўшма мажлиси бўлди.

СССР савдо министри Г. И. Вашченко савдони ривожлантириш ва яхшилаш юзасидан КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленуми қарорларидан, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқида баён этилган баҳолар ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида доклад қилди. Мажлис қатнашчилари савдо тармоғи янада кенгайиб, аҳолига мол сотиш ўсиб бораётганлигини қайд этиб, 1983 йил якунларини танқидий анализ қилдилар, камчиликларни бартараф этиш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишини яхшилаш, тармоқда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, 1984 йилги планлар сўзсиз бажарилишини таъминлаш тадбирларини белгиладилар.

Коллегияда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. И. Бодюл нутқ сўзлади.

Мажлис ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов иштирок этди. (ТАСС).

XXVI

• РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИ ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН КУРАШДА

• КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРДА КУҚЛАМ ТАРАДДУДИ

• ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ



Янги Қўқон химия заводи коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида фаол иштирок этмоқда. Мусобақада олтингугурт кислотаси цехининг Анвар Содиқов бошлиқ ремонтчи-слесарлар бригадаси коллективи пешқадамлик қиляпти. Суратда ғолиб коллектив аъзоларидан (чапдан) Мухтор Мавлонов, Ҳожиакбар Раҳматуллаев, Қўчқорали Юсупов, Анвар Содиқов (бригадир), Мурод Мирзаев, Исмоил Қўчқоров, Бахтиёр Розиқов ўртоқлар.

А. ЖДАНОВ фотоси.

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

● Самарқанд ва Жиззах областларидаги «Каттақўрғон» ва «Юбилейний» йирик қўриқ қоракўлчилик совхозларига қарашли ферма ва яйловларни сув билан таъминлаш проблемалари ҳал қилинди. Бу хўжаликларга учта пўлат трубопроводлар орқали ерости сувлари мунтазам келадиган бўлди. Натижада бир неча минг гектар ўтлоқ ерларни обиҳаёт билан таъминлаш, 15 минг бошдан ортиқ чорвани бутун йил бўйи боқиш учун катта имконият яратилди.

● Янгийўл районидаги маккажўхори уруғи тайёрлаш заводининг коллективи кўклам экиш кампаниясига ҳозирликни кучайтириб, ўз ваъдасига вафо қилди. Маккажўхори уруғини республика хўжаликларига етказиб беришга белгиланган муддатдан илгари киришди.

Бу йилги мавсумга жами ўн минг тоннадан кўпроқ юқори сифатли маккажўхори уруғи тайёрлашга қарор қилинди. Бу миқдордаги уруғ баҳорда маккажўхори экиладиган майдонлар учун етарлидир.

● Алимкент пахта заводининг коллективи хўжаликларга уруғнинг дастлабки туркумини жўнатди. Корхона уруғ тайёрлаш учун ихтисослашган. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш жараёнида эскириб қолган машина-ускуналар алмаштирилди, уруғни туксизлантириш цехи кенгайтирилди, пахта ва тайёр маҳсулотни сақлайдиган қўшимча омборлар ташкил қилинди. Бу эса хўжаликларга фақат биринчи ва иккинчи класс сара уруғ жўнатиш имконини бермоқда.

ВАТАННИНГ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

23 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтига «Ҳурмат Белгиси» орденини топшириш маросими бўлди. Институт филология фанини ривожлантириш ва илмий кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун шу мукофотга сазовор бўлганди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев тантанали вазиятда орденни институт байроғига қадаб қўйди ва нутқ сўзлади.

Йиғилишда институт тиллар ва адабиётларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва бир-бирини бойитиши проблемаларини ишлаб чиқишда кўп ишлар қилганлиги таъкидлаб ўтилди. Бу ерда миллатлараро мулоқотнинг энг муҳим воситаси бўлмиш рус тилини ўзбек мактабларида ўқитиш масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Институт ходимлари бир қанча ўқув қўлланмаларини яратдилар. Институт бунёд этилганидан бери юқори малакали илмий кадрлар ва ўқитувчи кадрлар тайёрловчи чинакам маскан, республика филология кучларини мувофиқлаштирувчи марказ бўлиб қолди.

(ЎзТАГ).

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

23 январь куни Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлди. КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг якунлари ҳамда Ўзбекистон пойтахти партия ташкилотининг шу Пленум қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов нутқида баён этилган қоидалар ва хулосалардан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров доклад қилди. (ЎзТАГ).

МИЛЛИОНЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

1984 йил 4 март СССР олий советига САЙЛОВ

Мамлакатда округ сайловолди кенгашлари давом этмоқда. Кенгашларнинг қатнашчилари Коммунистик партия билан Совет давлати раҳбарларининг, ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, халқ зиёлилари вакилларининг СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар этиб кўрсатилишини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Пісковдаги оғир электр пайвандлаш машина-ускуналари заводининг фрезерчиси **Николай Александрович Ионов**, Мордва АССР Краснослободск районидаги «Дружба» колхозининг сут соғувчиси **Татьяна Ивановна Можина**, Кировоград область Новоукраинка районидаги «КПСС XX съезди» колхози трактор бригадасининг бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Александр Васильевич Гиталов** округ сайловолди кенгашларида СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар сифатида қўллаб-қувватландилар.

Актюбинск область Мартук районидаги «Победа» колхози сут соғувчиси **Бати Утениязовна Нурушева**, Грузия ССР Зугдиди районидаги Ингир чойкорлик совхози механизациялашган комплекс звеносининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Валерьян Германович Меунаргия**, Грузия ССР Министрлар Советининг Раиси **Дмитрий Леванович Картвелишвили**, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси **Рингаудас — Бронисловас Игнович Сонгайла**, Молдавиядаги «Молдбиттрикотаж» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг каштачиси **Тамара Леоновна Ватан** номзодлари қўллаб-қувватланди.

Ригадаги «Ригас апгербс» ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмаси моторчи-тикувчилар бригадири **Татьяна Викторовна Шчеглова**, Кўлоб область Восе районидаги Ленин номли колхоз механизатори **Гулинор Бойматовна Рўзиева**, Ленинобод областидаги Қайроққум гидамчилик бирлашмаси тайёрлов цехининг ишчиси **Наталья Иосифовна Багина**, Арманистон ССР Ленинакан тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқув фабрикасининг тўқувчиси **Рима Цолаковна Хачатрян**, Ашхобод областидаги «Социализм» колхози правлениесининг раиси **Кувонч Оразов** номзодлари округ кенгашларида қўллаб-қувватланди.

Округ сайловолди кенгашларининг қатнашчилари депутатликка номзодларга мурожаат қилиб, улардан СССР Олий Совети депутатлигига овозга қўйилиш учун розилик беришларини сўрадилар.

* * *

Мамлакатда ўтказилаётган йиғилишларнинг қатнашчилари бўлган меҳнаткашлар ўзларининг энг яхши вакилларини СССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатмоқдалар.

Давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзодлар орасида Норильск кон-металлурния комбинатининг директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Борис Иванович Колесников**, Қорачой — Черкасиянинг Кубань бўйи районидаги «Кубань» колхозининг трактор чиси **Датко Карович Кишаев**, Волгоград область Калач районидаги «Россия» колхозининг раиси **Владимир Филиппович Попов**, Қалмоқ АССРдаги «Завети Ильича» колхозининг раиси **Петр Степанович Березовский**, Тува АССР Танди районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг Успенский сут-товар фермаси бригадири **Фанна Антоновна Роднонова**, Удмуртиядаги Сарапуль тикувчилик фабрикасининг ишчиси **Тамара Александровна Стульгинская**, Удмуртия АССР Кез районидаги «Россия» колхозининг механизатори **Николай Евгеньевич Никитин**лар бор.

Винница областидаги Калиновка марказий район касалхонасининг врачи **Виктория Вячеславовна Гнатюк**, Гомель область Рогачев районидаги маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг тикувчиси **Валентина Аркадьевна Баханцова**, Литва ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси **Альфонсас Мотеевич Малдонис**, Шяуляйдаги Совет Литвасининг 40 йиллиги номли телевизион заводи монтажчиси **Алдона Викторовна Сакалаускене** йиғилишларда СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар қилиб кўрсатилдилар.

Молдавия ССР Фалешти районидаги ВЛКСМ 60 йиллиги номли давлат паррандачилик фабрикасининг оператори **Валентина Ивановна Мунтян**, Қўрғонтепа область Шаҳритуз районидаги «Ленинград» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи **Асомиддин Шодиевич Муродов**, Эстония ССР Кингисепп районидаги «Ориссааре» колхозининг агрономи **Хейнар Хеймарович Аау**, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Владимир Александрович Котельников**, Эстония ССР Пилва районидаги «Пилва» колхозининг сут соғувчиси **Эне Васильевна Куре** ҳам халқнинг юксак ишончига сазовор бўлдилар.

(ТАСС).

* * *

578-Андижон сайлов округи меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари округ сайловолди кенгашида Андижондаги «Электродвигатель» заводининг ўровчиси **Майрамхон Абдуму́миновна Маликова** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлиги тўғрисидаги қарорни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар ва шу округдан овозга қўйишга розилик беришни сўраб унга мурожаат этдилар.

Жиззахдаги 584-сайлов округи сайловолди кенгашининг қатнашчилари «Джизакстрой» бирлашмаси 258-механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадасининг бошлиғи **Тиркаш Маматқулов** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлиги тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватладилар. Улар шу сайлов округидан овозга қўйишга розилик беришини сўраб Т. Маматқуловга мурожаат қилдилар.

Ғузор сайлов округи меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари округ сайловолди кенгашига келдилар. Кенгаш қатнашчилари Қашқадарё область Ғузор районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг сут соғувчиси **Тўлган Хўжамовна Бўронова** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлиги тўғрисидаги қарорни якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, 585-Ғузор сайлов округидан овозга қўйилишга розилик беришини сўраб унга мурожаат этдилар.

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 106-Наманган сайлов округи жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакилларининг сайловолди кенгаши Намангандаги КПСС XXV съезди номли аврли газламалар комбинатининг ишчиси **Раъно Абдуазизовна Қаюмова** мамлакат давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлигини қўллаб-қувватлашга қарор қилди. Кенгаш қатнашчилари шу сайлов округидан овозга қўйишга розилик беришини сўраб депутатликка номзодга мурожаат этдилар.

595-Самарқанд Қишлоқ сайлов округи жамоат ташкилотлари ва меҳнаткашлари вакилларининг округ сайловолди кенгаши бўлди. Самарқанд районидаги «Боғизоғон» совхозининг трактор чиси **Тоштемир Зиёев** СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилганлиги бир овоздан қўллаб-қувватланди. Кенгаш иштирокчилари шу округдан овозга қўйишга розилик беришини сўраб унга мурожаат қилдилар.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали **Юрий Павлович Максимовни** 597-Термиз сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги қарор округ сайловолди кенгашида якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Кенгаш қатнашчилари шу округдан овозга қўйишга розилик беришини сўраб депутатликка номзодга мурожаат этдилар.

606-Калинин сайлов округида бўлган сайловолди кенгашининг қатнашчилари Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **Мирзамаҳмуд Мирзараҳмонович Мусаховнови** СССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорни қўллаб-қувватладилар ва шу округдан овозга қўйишга розилик беришини сўраб унга мурожаат қилдилар.

* * *

Андижон машинасозлик заводи меҳнатчиларининг мамлакат давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган сайловолди йиғилиши баланд руҳ билан ўтди. Йиғилиш қатнашчилари СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетининг раиси **Марат Владимирович Грамовни** 97-Андижон сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Тошлоқ районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашларининг йиғилишларида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Саввар Олимжонович Азимов** 124-Марғилон сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Элликқалъа районидаги Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли совхоз-техникум ходимларининг йиғилишида шу хўжаликнинг илғор механизатори **Дилором Султоновна Ҳусанова** 559-Беруний сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Тўрткўл тўқувчилик фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси **Владимир Александрович Головнини** 616-Тўрткўл сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Тошкент область Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи **Кенжа Аҳмедова** шу хўжалик меҳнаткашларининг сайловолди йиғилишида 118-Ангрен сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

КПСС XXV съезди номли Бухоро тўқимачилик комбинати коллективининг сайловолди йиғилиши Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари **Исмоил Жабборович** 100-Бухоро сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди. (ЎзТАГ).

● ФАХРОБОД (Тожикистон ССР)

Шу қаҳратон қиш кунлари республика саноат марказларининг магазинларида соҳибкорларнинг ифтихори бўлмиш машҳур тоймфи узуми пайдо бўлди. Ж. Расулов номидаги ихтисослашган совхоз бугун яхши сақланган узум бошларини магазинларга чиқара бошлади. Бу хўжаликда катта омбор қурилган бўлиб, унга кузда минг тонна узум осилди. Электрон қурилма омбордаги зарур ҳарорат ва намликни сақлаб туради. Замонавий омборлар кўпайиши билан Тожикистон хўжаликларига қишда ҳам мамлакатнинг шимолий районларига хўп меваларни жўнатиб тура оладиган бўлади.

● ЕРЕВАН

Ереванда ги «Электроприбор» бирлашмасида саноат манипуляторлари участкаси ишлай бошлади. Бу техника ишлаб чиқаришнинг энг оғир участкаларидан бири —гальваника цехидаги ишчиларнинг қўлини бўшатишга имкон берди. Корхонада цехларни қайта ускуналаш программаси муваффақият билан амалга оширилиб борилмоқда. Бу нарса ишчилар сонини кўпайтирмаган ҳолда маҳсулот тайёрлашни оширишга имкон беради.

● КРАСНОВОДСК (Туркманистон ССР)

Красноводск нефтни қайта ишлаш заводида ишга туширилган установка нефтдан янада рационал фойдаланишга имкон беради. У қорамойни вакуум шароитида ҳайдашга мўлжалланган бўлиб, эндиликда шу маҳсулотдан бензин, кокс, битум тайёрлаш учун ишлатиладиган хом ашё олинади. Корхонада установка ишга туширилиши билан кокс ишлаб чиқаришни хом ашё билан таъминлаш проблемаси ҳал этилди, энди унинг қуввати икки баравар ортади.

● ФРУНЗЕ

Қирғизистонда халқ хўжалигининг янги бир тармоғи — саноат қўламида гилам тўқиш барпо этилди. Бугун давлат комиссияси ўн биринчи беш йиллик директивларида кўзда тутилган Қораболта гилам комбинатининг биринчи навбатини фойдаланишга қабул қилиб олди. Ҳар йили корхона 45 миллион квадрат метр ярим жун гилам тўқиб чиқаради. (ТАСС).

ЮКСАК МАРРАЛАР ЧОРЛАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ, ИЛМИЙ ВА ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ, МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР ВА САНОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ 1984 ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ УЧУН

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари партия XXVI съездининг, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, бутун совет халқи билан биргаликда зўр меҳнат ғайрат-шижоати ва сиёсий активлик вазиятида коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш учун сабот билан ишламоқдалар, меҳнат коллективларининг куч-ғайрати ўн биринчи беш йилликда республикани социал-иқтисодий ривожлантириш планларини тўла ва ошириб бажаришга қаратилмоқда. Уч йил мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 15,1 процент кўпайди, пландан ташқари 1,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, қўшимча равишда чакана нархларда 800 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари реализация қилинди. Капитал қурилишнинг асосий кўрсаткичлари, саноат объектларини, уй-жойларни, мактабларни ишга тушириш юзасидан белгиланган планлар бажарилди. Илм-фаннинг самарадорлиги оширилди, унинг ишлаб чиқариш билан ижодий алоқаси мустаҳкамланди. Халқ хўжалигидаги техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар илдам суръатлар билан ривожлантирилди.

1983 йилда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида илғор техника ва технологияни жорий қилиш давом эттирилди. Ишлаб чиқаришда бир қанча юксак самарали технология жараёнлари жорий этилди, робот техникасини қўлланиш кенгайтирилди, 100 тадан кўпроқ цех ва участка комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди, 200 та поток линия ўрнатилди. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш яхшиланди. Бригада пудрати усулида ишловчи бригадалар кўпайди. 850 хил маҳсулот давлат Сифат белгиси аттестациясидан ўтказилди. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида олий категориядаги сифатли маҳсулотнинг салмоғи 1982 йилга нисбатан 12,4 процент кўпайди.

Саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш ва унинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган 1983 йилги планни муддатидан илгари, 26 декабрда бажардилар. Қўшимча равишда 304 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Пландан ташқари 103 миллион кубометр газ, 110 минг тонна кўмир қазиб олинди, 546 миллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди, 50 та трактор, 50 та пахта териш машинаси ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Совет кишиларининг фаровонлигини ошириш юзасидан партия ўртага қўйган асосий вазифани бажариб, халқ истеъмол моллари кўпайтирилди. Бир йил ичида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7,2 процент кўпайди. Қўшимча равишда 1,3 миллион квадрат метр шойи ва 4,6 миллион квадрат метр ип газлама, 1 миллионта трикотаж ва 320 минг жуфт пайпоқ, 270 минг жуфт чарм пойабзал ишлаб чиқарилди. Уй-жой-коммунал хизмати ҳажми 6 процент, маиший хизмат 10 процент, чакана товар обороти 7,8 процент кўпайди. Ҳамма турдаги транспортнинг иши яхшиланди, алоқа воситаларини ривожлантириш юзасидан белгиланган план топшириқлари бажарилди. 1983 йилда химия, электр-техника, енгил саноат, машинасозлик ва бошқа тармоқларда янги қувватлар ишга туширилди.

Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг қарорларига жавобан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқида баён этилган вазифаларни ҳал қилишга конкрет ҳисса қўшишга интилиб, план топшириқларини тўла ва ошириб бажариш, республика билан Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириб, 1984 йилда ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

САНОАТ

Мавжуд қувватлардан янада тўла-тўкис фойдаланиш, илғор тажрибани кенг жорий этиш, уюшқоқлик ва интизомни мустаҳкамлаш, асосий технология асбоб-ускуналари сменали иш коэффициентини ошириш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига пландан ташқари 1 процент ошириш ва маҳсулот таннархини 0,5 процент камайтириш таъминланади. Қўшимча равишда 50 миллион сўм фойда олинади. Ишлаб чиқариш ҳажми 1983 йилга нисбатан 6 процент, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 7 процент кўпайтирилиб, топшириқ анча ортиғи билан бажарилади. Беш йилликнинг тўрт йили ичида саноат ишлаб чиқаришини 21 процент ўстириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни 28,8 процент кўпайтириш таъминланади.

Қўшимча равишда 200 миллион сўмлик, шу жумладан, 130 миллион сўмлик (чакана нархларда) халқ истеъмол моллари реализация қилинади. Шартномалар юзасидан маҳсулот етказиб бериш мажбурияти бажарилиши таъминланади. Пландан ташқари 60 миллион куб метр газ, 100 минг тонна кўмир қазиб чиқарилади, 100 минг тонна минерал ўғит, 2 минг тонна прокат, 10 минг тонна пахта толаси, 50 та трактор, 100 та пахта териш машинаси, 60 та сеялка, 30 та ғўзапоя юлиш машинаси, 3 миллион квадрат метр тайёр ип газлама ва 270 минг квадрат метр шойи газлама, 50 мингта трикотаж, 600 минг сўмлик совға буюмлари ва халқ бадиий ҳунармандчилиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ёрдамчи хўжаликларда 15,4 минг тонна ғўшт, 15 минг тонна сут олинади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасидаги ишларни такомиллаштириб, 100 та участка, 92 та цех ва ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилади ҳамда автоматлаштирилади, 175 та механизациялаштирилган поток ва автомат линия, 60 тадан кўпроқ манипулятор ва робот жорий этилади, 21 та автомат-бошқарув системаси яратилади, шу йўл билан 29 минг кишининг меҳнати тежаб қолинади. Электр-техника саноати, оғир ва транспорт машинасозлигининг экспериментал шароитларда ишлашга кўчирилган корхоналарининг барқарор ишлаши таъминланади.

Илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг коллективлари фундаментал ва амалий тадқиқотларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришни таъминлайдилар, уларнинг самарадорлигини ва лойиҳалаш сифатини оширадилар. Янги техникага оид тадбирларни ва рационализаторлик таклифларни амалга ошириш ҳисобига камида 190 миллион сўм иқтисодий наф олинади.

730 хил маҳсулот давлат Сифат белгиси аттестациясидан ўтказилади. Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг салмоғи аттестацияга тақдим этиладиган маҳсулот ҳажмида 32 процентга етказилади.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Шу тармоқларнинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш, ва гонлар, локомотивлар ва автомобилларни ўз вақтида ремонт қилиш, юк ортиш-туширши ишларининг ташкил этилишини такомиллаштириш ва механизациялаш, илғор усулларни жорий этиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш асосида транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш, ҳамда халқ хўжалиги ва аҳолининг юк ташишга ва алоқа хизматига бўлган эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилиши таъминланади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти ходимлари пландан ташқари 3,2 миллион тонна юк ва 15 миллион пассажир ташиб бериш, 470 минг сўмлик саноат маҳсулотини реализация қилиш мажбуриятини оладилар. Пландан ташқари 1 миллион сўм фойда олинади. Йиллик юк ташиш ҳажмининг камида 40 проценти ва пассажир ташиш ҳажмининг 30 проценти бригада пудрати усулида бажарилади. Автомобилда юк ва пассажир ташиш ҳамда саноатдаги меҳнат унумдорлигининг белгилаб қўйилган топшириқдан ташқари 1 процент оширилиши таъминланади. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмий ўстиришнинг ҳаммаси шу омил ҳисобига таъминланади.

Темир йўлчилар юк ташиш йиллик планини муддатидан илгари бажарадилар, йиллик топшириқдан ташқари 300 минг тонна маҳсулот жўнатадилар, юк обороти планини 1,1 миллиард тонна километр ҳисобига ошириб бажарадилар, меҳнат унумдорлигини пландагидан 1 процент ўстиришни таъминлайдилар, 2 та темир йўл линиясида автоблокировкани ишга туширадилар, Қўнғирот — Бейнов йўлида 6 та янги разъезд очадилар, юк ташиш таннархини 0,5 процент камайтириш ҳисобига пландан ташқари камида 1 миллион сўм фойда оладилар.

Граждан авиацияси корхоналарининг ходимлари пассажир ташиш планини 29 декабрда, авиациядан халқ хўжалигида фойдаланиш планини 26 декабрда бажарадилар, 40 минг гектар экинзорга ишлов берадилар, пландан ташқари 33 минг пассажир ташлади. Тежалган ёқилғи ҳисобига 28 миллион пассажир-километр ҳажмда иш бажарилади.

Алоқа корхоналарининг коллективлари аҳолига ҳамма турдаги хизматларнинг сифатини оширадилар, маҳсулот ҳажми юзасидан белгиланган планни 250 минг сўм миқдорида ошириб бажарадилар. Шаҳарларда ва қишлоқ жойларда пландан ташқари 7 минг номерли автомат телефон станцияларини фойдаланиш учун топширадилар. 1180 қишлоқ участкасида вақтли матбуотни етказиб бериш моторлаштирилади.

САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ

Чакана товар обороти йиллик плани 20 миллион сўмлик миқдорда, шу жумладан давлат савдосида 10 миллион сўмлик миқдорда ошириб бажарилади. Қишлоқ кооператорларининг корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан тўла-тўкис фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига пландан ташқари 12,7 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга эришилади. Магазинларнинг савдо майдони 63 минг квадрат метр ҳажмида ва умумий овқатланиш корхоналарининг майдони 35 минг ўрин миқдорида кўпайтирилади.

Озиқ-овқат программасини амалга оширишда давлат ва кооператив савдосининг ҳиссаси доимо кўпайтирилади, чорва мол харид қилиш, семиртириб боқиш ва ғўшт етиштириш йўли билан аҳолига 114,6 минг тонна ғўшт реализация қилинади.

Маиший хизмат кўрсатиш плани 30 декабрда бажарилади. Маиший хизмат ҳажми пландаги 15,6 процент ўрнига 17,3 процент кўпайтирилади.

Топширқдан ташқари 1 миллион сўмлик қўшимча хизмат кўрсатилади. Қишлоқ жойларда 300 та комплекс қабул пункти очилади.

Саноат, транспорт, алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат меҳнатчилари машина ва механизмларнинг тежамли конструкцияларини яратиш ва жорий этиш, хом ашё ва материалларни қайта ишлашнинг илғор технология жараёнларини қўлланиш, иккиламчи ресурслардан кенг фойдаланиш, иқтисодий тежашга қаттиқ риоя этиш, материал ва энергия сарфини камайтириш ҳисобига 1,15 миллиард киловатт-соат электр энергия ва 340 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 500 минг тонна шартли ёқилғи, 26 минг тонна прокат, 15 минг тонна цемент, 52 минг кубометр ёғоч, 24 минг тонна дизель ёқилғиси, 17 минг тонна автомобиль бензинини тежаб қоладилар.

ГЕОЛОГИЯ МИНИСТРЛИГИ

Газнинг саноат запасларини кўпайтириш юзасидан ўн биринчи беш йиллиқнинг тўрт йили учун белгиланган план муддатидан илгари, 1 июлда бажарилади. Газ қазиб чиқариш саноатига Марковское, Пирназар ва Жанубий Кемачи конлари топширилади.

Газ запасларини кўпайтириш йиллик планлари 105 процент, қўрғошин ва рух запасларини кўпайтириш йиллик планлари 103 процент бажарилади.

Қўшимча харажатсиз йил охиригача белгиланган пландан ташқари 200 квадрат километр майдонда 1:200 минг миқёсидаги давлат гидрогеология суратга олиш ишлари, 50 квадрат километр майдонда 1:50 минг миқёсидаги комплекс гидрогеология ва инженерлик геологияси суратга олиш ишлари бажарилади.

Нефть-газ чиқиши мумкин бўлган структураларни разведка қилиш мақсадида чуқур пармалашга тайёрлаш тўрт йиллик плани Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги юбилейигача бажарилади.

Мавжуд маблағлар доирасида пландан ташқари 15 та илмий-тадқиқот лойиҳаси тайёрланади. Янги техника ва илғор технологияга оид тадбирларни жорий қилиш ҳисобига пландан ташқари 1,2 миллион сўм иқтисодий самара олинади. Икки миллион сўмдан зиёд шартли иқтисодий наф берадиган камида 1360 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинади.

Кон пармалаш ишларини бажаришда янада ўринли технология режимларини қўлланиш, материалларни тежаб-тергаб сарфлаш ва яхши асраш ҳисобига белгиланган топширқдан ташқари 40 тонна пўлат қувур, 30 тонна цемент, 100 кубометр ёғоч, 180 тонна шартли ёқилғи, 300 минг киловатт-соат электр энергия ва бошқа материаллар тежаб қолинади.

9500 метр колонкали кон-қувур, 1000 метр чўқур пармаланган қувур тежалган материаллар ҳисобига пармаланади ва 450 метр кон-разведка йўллари қазилади.

Камида 7 минг ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи тайёрланади ҳамда малакаси оширилади.

Ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини такомиллаштириб, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаб, министрликнинг саноат корхоналаридаги меҳнат унумдорлиги 1 процент оширилади ва заводларнинг товар маҳсулот ишлаб чиқариш плани шу ҳисобга муддатдан илгари, 26 декабрда бажарилиши таъминланиб, 135 минг сўмлик маҳсулот қўшимча равишда ишлаб чиқарилади.

Министрликнинг ишчилар таъминоти бошқармасида товар обороти плани 190 минг сўмлик миқдорда ошириб бажарилади.

Колхозларга ҳосил теримида оталиқ ёрдами берилади, 30 та гидрогеология қудуғи ишлатиш учун қишлоқ хўжалигига топширилади. Ёрдамчи хўжаликларнинг маҳсулоти ҳисобига дала геология-разведка экспедицияларининг ва партияларининг ходимлари учун қўшимча равишда 380 тонна ғўшт, 325 тонна сут, 550 тонна сабзавот етиштирилади.

ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИ

Асбоб-ускуналар ишининг пухталиги ва тежамлигини ошириш ҳисобига республика халқ хўжалигининг энергия билан муттасил таъминланишига эришилади. Электр станциялар асбоб-ускуналарининг иш бажаришга тайёрлиги планга нисбатан 0,5 процент оширилади.

Электр энергия ҳосил қилиш учун ёқилғи сарфлаш улуши ҳар киловатт-соат ҳисобига белгиланган топширқдан ташқари 0,2 грамм камайтирилади. 44,4 миллиард киловатт-соат электр энергия ишлаб чиқарилади, шундан 22 миллион киловатт-соати тежалган ёқилғи ҳисобига ҳосил қилинади. Пландан ташқари бир миллион сўм фойда олинади.

Пландан ташқари 500 минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш таъминланади, меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 1 процент оширилади. Товар маҳсулотнинг таннархи 0,5 процент камайтирилади. Меҳнатнинг ташкил этилишини яхшилаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ҳисобига иш вақтининг зоя ўтиши 10 процент қисқартирилади. Кадрлар қўнимсизлиги 1983 йилги даражага нисбатан 0,3 процент камайтирилади.

Агрегатларни капитал ремонт қилиш «аъло» ва «яхши» баҳолар билан бажарилиши таъминланиб, капитал ремонтни ўтказиш муддатлари планга нисбатан 1 процент қисқартирилади. 2650 та рационализаторлик таклифини, янги техникага оид тадбирларни ва меҳнатни илмий ташкил этиш тадбирларини жорий этиш йўли билан 2,6 миллион сўм иқтисодий наф олинади.

Электр энергияни тармоқлардан, ўтказишдаги исрофгарчиликни ва электр станцияларнинг ўз эҳтиёжларига бўладиган сарфини 15 миллион киловатт-соат миқдорида камайтириш таъминланади. Белгиланган топширқдан ташқари 120 тонна металл прокати, 130 тонна цемент, 110 кубометр ёғоч тежалади.

СССРнинг Энергетика программасини муваффақиятли амалга ошириш ва Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида Янги Ангрен ГРЭСида 300 минг киловатт қувватли биринчи энергетика блоки белгиланган муддатидан бир ой аввал, Муборак ТЭЦида 60 минг киловатт қувватли биринчи агрегат ва соатига 500 тонна буғ ишлаб чиқарадиган қозон 10 кун барвақт ишга туширилади, шу йўл билан қўшимча равишда 100 миллион киловатт-соатдан кўпроқ электр энергия ҳосил қилинади.

Энергетиклар кунигача Ангрен ГРЭСининг 9-қозонидаги электр фильтрлар реконструкция қилинади, 220 киловольтли «Тракторная» подстанциясида 125 минг киловатт-амперли трансформатор, турли кучланишдаги 6500 километр электр линияси, 35 киловольт ва ундан юқори кучланишдаги 580 минг киловольт-ампер трансформатор қуввати, 32 минг квадрат метр саҳнли уй-жой қуриб битказилади. Планга қўшимча равишда 20 километр электр линияси, 400 минг сўмлик асосий фондлар ишга туширилади.

1470 нафар янги ишчи тайёрланади, 3900 нафар ишчининг, 1200 нафар инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади.

Дам олиш уйларида, пансионатлар, санаторийларда, истироҳат зоналари ва базаларида камида 11,5 минг ходимнинг сиҳат-саломатлиги яхшиланади ва пионер лагерларида камида 4,5 минг боланинг дам олиши уюштирилади. Камида 8 минг ишчи физкультура-спортга жалб этилади. Энергетика системаси корхоналарида учта янги ёрдамчи хўжалик ташкил этилади. Ёрдамчи хўжаликларнинг маҳсулоти ҳисобига энергетика системаси ходимларига 60 тонна ғўшт, 162 тонна сут, 108 мингта тухум, 70 тонна сабзавот сотилади.

ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Беш йилликнинг тўрт йили плани муддатидан аввал 1 декабрда бажарилади ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръати топширқдаги 124,1 процент ўрнига 128,9 процентга етказилади.

Маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш йиллик плани 28 декабрда бажарилади, ишлаб чиқариш ҳажми ўстириш суръатлари 0,7 процент оширилади ва пландан ташқари 36 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 3 миллион квадрат метр тайёр ип газлама, 270 минг квадрат метр шойи газлама, 50 мингта трикотаж, шундан 30 мингта болалар трикотажи, 120 минг жуфт чарм пойабзал, шу жумладан 60 минг жуфт болалар пойабзали, 4,5 миллион сўмлик тикилган буюмлар реализация қилинади. Қўшимча равишда чакана нархларда 5,1 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.

Меҳнатни яхшироқ ташкил этиш, интизомни мустаҳкамлаш, иш вақтининг зоя ўтишини камайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги планга нисбатан бир процент оширилади. Товар маҳсулотнинг таннархи 0,5 процент камайтирилади.

Янги техника ва технологияга оид 240 та тадбир жорий этилиб, 9 миллион сўм иқтисодий наф кўрилади. 3 мингта янги ускуна ўрнатилади, 20 та цех ва участка комплекс механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади, 30 та автомат, ярим автомат ва механизациялашган поток линия монтаж қилинади, қўл меҳнатининг улуши 1983 йилга нисбатан 0,5 процент камайтирилади ва шартли равишда камида 2,2 минг ишчи бошқа ишлар учун бўшатиб берилади.

Камида 8,5 миллион сўм иқтисодий наф берадиган 3800 та рационализаторлик таклифи жорий этилади.

630 хил маҳсулот давлат Сифат белгиси олиш учун тақдим этилади ҳамда олий сифат категориясидаги маҳсулотнинг салмоғи аттестация қилинадиган маҳсулот ҳажмининг 56 процентига етказилади.

Ишчиларнинг 75 проценти меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасига ўтказилади.

Хом ашё ва материал ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига 300 тонна пахта толаси, 60 минг квадрат метр газлама, 8,5 миллион киловатт-соат электр энергия, 30 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 2,6 минг тонна шартли қозон-печь ёқилғиси тежаб қолинади.

21 та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан Хазорасп, Учқўрғон, Ленинск, Пойтуғ, Беруний шаҳарларида ип йигирув фабрикалари, Боғот, Ёрқишлоқ, Яккабоғ, Хўжайли, Ҳаққулободда тўқув фабрикалари, Бухоро тўқимачилик комбинатида гул босиш фабрикаси, Фарғона областининг Тошлоқ район марказида нотўқима материаллар фабрикаси, Ильичевск шаҳрида пайпоқ фабрикасининг иккинчи навбати, Марғонбулоқда тикув-трикотаж фабрикаси, Баҳористонда тикув фабрикаси ишга туширилади.

Янги ишга туширилаётган тўқимачилик филиалларида ўрнатилган қувватларнинг барвақт ўзлаштирилиши таъминланади. Ишлаб чиқаришнинг ўзида 18 минг ишчи тайёрланади ва 28 минг ишчининг малакаси оширилади. Саҳни 92 минг квадрат метр уй-жой бинолари, 600 ўринли ётоқхона қуриб битказилади.

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, ишловчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тадбирлари амалга оширилади. Шу мақсад учун 3,7 миллион сўм сарф қилинади.

Тармоқнинг ёрдамчи хўжаликларидаги қорамоллар туёғи 750 тага, қўй ва эчкилар туёғи 900 тага, паррандалар 11 мингтага етказилади, 75 тонна ғўшт, 600 мингта тухум, 230 тонна сут етиштирилади.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш плани муддатидан аввал, 28 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 36,1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 1 процент ўсиши таъминланади. Планга қўшимча равишда 10 минг тонна тола, 1,2 минг тонна линт, 235 тонна каноп толаси, 30 минг квадрат метр ўраш газламаси ишлаб чиқарилади.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтининг зоя ўтишини камайтириш, асбоб-ускуналарнинг бекор туришини қисқартириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги планга нисбатан 1 процент оширилади ва маҳсулот кўпайтирилишининг камида 80 проценти шу йўл билан таъминланади. Маҳсулотнинг таннархи қўшимча равишда 0,5 процент камайтирилади ва пландан ташқари 18 миллион сўм фойда олинади. Пахта ва каноп хом ашёсининг тўла-тўкис сақлаб қолиниши, уларнинг яхшилаб қайта ишланиши ва истеъмолчиларга, айниқса экспортга белгиланган ассортиментдаги сифатли маҳсулот етказиб берилиши таъминланади. Хом ашёнинг нормативдан ташқари нобуд бўлишини камайтиришга эришилади. 15 мартгача 215 минг тонна сифатли уруғлик чигит, шу жумладан 38 минг тонна туксизлантирилган чигит тайёрланиб, республиканинг пахтакор хўжаликларига етказиб берилади.

Ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириб, материал ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиб, камида 3,2 миллион киловатт-соат электр энергия. 6100 тонна шартли ёқилғи, 158 минг квадрат метр ўраш матоси, 90 тонна цемент, 73 куб метр ёғоч, 183 тонна ўраш сими тежаб қолинади.

Пахта қуритадиган ва тозалайдиган 25 та поток линия, 15 та қуритиш барабани, 50 та иссиқлик генератори, 38 та аррали жин, 130 та аррали линтер, 300 та «ХПП-КЛП-650» қабул қилиш-узатиш комплекти, пахта маҳсулотининг сифатини белгилайдиган 200 та прибор ва луб толасини қайта ишлайдиган 10 та технология линияси ишга туширилади.

Йилига 1 миллион 937 минг сўм шартли наф берадиган 2016 та рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Пахта толасини давлат стандартида ҳисоблаб қўйилган нормалар доирасида ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотнинг 92 проценти, линтнинг 98,5 проценти устама наф билан ишлаб чиқарилиши таъминланади.

Асосий ишлаб чиқаришдаги 411 та бригада меҳнатни ташкил қилиш ва рағбатлантиришнинг бригада формасига жалб этилади ва маҳсулотнинг 78 процентини шу хил бригадалар ишлаб чиқариши таъминланади.

1984 йилда битта янги пахта тозалаш заводи ишга туширилади, ишлаб турган иккита завод реконструкция қилинади, 3 та пахта пункти, 53 та қуритиш, тозалаш цехи, 60 та пахта ва чигит омбори, 25,6 минг квадрат метр уй-жой, 1880 ўринли болалар муассасалари, 320 ўринли иккита пионер лагери, 100 ўринли профилакторий ишга туширилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси юзасидан 5,4 миллион сўмлик тадбир бажарилади.

2850 нафар ишчи тайёрланади, 7,5 минг нафар ишчининг ва 2,1 минг инженер-техник ходим ҳамда хизматчининг малакаси оширилади, 21 мингдан кўпроқ киши иқтисодий ўқишнинг ҳамма турларига жалб этилади.

Ёрдамчи хўжаликлардаги қорамол туёғи 7200 бошга, шу жумладан сигирлар 3 минг, қўйлар 12,5 минг бошга, паррандалар 22 мингтага етказилади. 516,5 тонна ғўшт, 720 тонна сут етиштирилади.

МЕБЕЛЬ ВА ЁҒОЧНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ

Беш йилликнинг тўрт йили плани муддатидан олдин, 26 ноябрда бажарилиб, товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши беш йиллик топширғида белгиланган 131,6 процент ўрнига 141 процентга етказилади.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан 1984 йилги план 26 декабрда бажарилиб, планга қўшимча равишда 3 миллион сўмлик маҳсулот, 2,9 миллион сўмлик мебель реализация қилинади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини планда белгиланган 6,7 процент ўрнига 8,8 процент кўпайтириш таъминланади.

Техника ва технологияни такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, иш вақтининг зоя кетишини камайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги планда кўзда тутилган 3,9 процент ўрнига 4,9 процент оширилади ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг 80 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Ҳар бир сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқариш учун харажатлар планга қўшимча равишда 0,5 процент камайтирилади ва пландан ташқари 250 минг сўм фойда олинади.

5 та автомат линия, йиллик шартли иқтисодий самараси 400 минг сўмлик 130 та рационализаторлик таклифи жорий этилади. Қўл меҳнатининг салмоғи 1,6 процент камайтирилади.

Мебелнинг 9 тури давлат Сифат белгисини олиш учун аттестацияга тақдим этилади, олий сифат категорияли маҳсулот ишлаб чиқариш аттестация қилинадиган маҳсулот ҳажмининг 32,4 процентига етказилади. Мебелнинг 30 та янги турини ялпи ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

100 минг сўмлик хом ашё ва материал, 74 минг киловатт-соат электр энергия, 72 тонна шартли ёқилғи, 355 гигакалория иссиқлик энергияси тежалади.

1200 нафар янги ишчи тайёрланади, 1300 ишчи ва 180 инженер-техник ходим ҳамда хизматчининг малакаси оширилади, иқтисодий таълимга 2500 киши жалб этилади.

Бухоро ва Урганч мебель фабрикаларида янги қувватлар муддатидан илгари ўзлаштирилади.

Ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, ишловчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тадбирлари амалга оширилади, шу мақсадлар учун 1,6 миллион сўм маблағ сарфланади.

Ёрдамчи хўжаликларда қорамоллар 260 бошга, қўйлар 370 бошга, чўчқалар 350 бошга, паррандалар 12 мингтага етказилади, 25 тонна ғўшт етиштирилади.

МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ

Товар маҳсулот ҳажми бўйича беш йилликнинг тўрт йили плани муддатидан илгари, 1984 йил 30 октябргача бажарилади, ишлаб чиқариш ҳажми беш йиллик планда белгиланган 37 процент ўрнига 40 процент кўпайтирилади.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 1984 йил плани 25 декабрда бажарилади, пландан ташқари 8 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 300 минг сўмлик бадиий-ҳунармандчилик буюмлари, 5 миллион сўмлик тикилган буюмлар, маҳаллий хом ашё ва саноат ишлаб чиқариши чиқиндиларидан фойдаланиб, бир миллион сўмлик маҳсулот, 300 минг сўмлик ёдгорлик буюмлари реализация қилинади. Планга қўшимча равишда 15 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Товар маҳсулот ишлаб чиқариш 1983 йилдагига нисбатан планда белгиланган 5 процент ўрнига 6,9 процент кўпайтирилади.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни аниқ-пухта ташкил этиш, барча турдаги нобудгарчиликларни камайтириш, иш нормасини бажармаётган ишчиларни, кадрларнинг қўнимсизлигини ва машина-ускуналарнинг бекор туриб қолишини озайтириш йўли билан меҳнат унумдорлиги планда кўзда тутилганидан камида 1 процент ошириладиа ва шунинг ҳисобига 470 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади, маҳсулот ишлаб чиқаришни 75 процент кўпайтиришга меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Янги техника бўйича 102 тадбир, 9 та ярим автомат ва механизациялашган поток линия, иқтисодий самараси 510 минг сўмлик 275 та рационализаторлик таклифи жорий этилади, қўл меҳнатининг салмоғи 0,2 процент камайтирилади ва шартли равишда 520 ишчи қўли бўшатиб олинади.

180 та буюм давлат Сифат белгисини олиш учун аттестация қилинади ва олий сифат категорияли маҳсулотнинг салмоғи аттестация қилинадиган маҳсулотнинг умумий ҳажмида 16,5 процентга етказилади. Маҳсулотнинг 463 та янги турини, шу жумладан металлдан, сунъий чарм чиқиндиларидан галантерея буюмлари, новда ва похолдан тўқилган буюмлар, «минг хил майда-чуйдалар» группасидаги буюмларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Тежамкорлик режимини кучайтириш ҳисобига маҳсулот таннархи қўшимча равишда 0,5 процент камайтирилади ва пландан ташқари 250 минг сўмлик фойда олинади. 2,8 миллион киловатт-соат электр энергия, 4 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 3,1 минг тонна шартли ёқилғи, 25 тонна металл тежалади.

Наманган областидаги Косонсой шаҳрида шойи тўқиш фабрикасини, Сурхондарё областидаги Бойсун районида ғишт заводини реконструкция қилиш муддатидан илгари тугалланади, Сирдарё шаҳрида саҳни 1,68 минг квадрат метр бўлган уй-жойлар ишга туширилади.

3600 нафар янги ишчи тайёрланади ва 2250 ишчининг, 460 нафар инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, 8230 киши иқтисодий таълимга жалб этилади.

Корхоналар ёрдамчи хўжаликларида қорамоллар 320 бошга ва қўйлар 2500 бошга, паррандалар 2200 тага етказилади, 202 тонна сабзавот ва мева йиғиштириб олинади, 54 тонна ғўшт ва 64 тонна сут реализация қилинади.

АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ

Ҳамма турдаги алоқа ишларининг ишончлилиги ва сифати яхшиланади.

Маҳсулот ҳажми бўйича план 100 минг сўм, «Союзпечать» товар обороти плани 290 минг сўм ошириб бажарилади. Меҳнат унумдорлиги планда белгиланганига нисбатан 1 процент оширилади.

АТС ишлатувчи ходимларнинг кучи билан шаҳарларда пландан ташқари 2 минг номер ва қишлоқ жойларида 5 минг номер фойдаланишга топширилади.

Илғор технологияни ва автоматлаштиришни жорий этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш, янги техника тадбирларини жорий этиш ҳисобига 720 минг сўмлик йиллик шартли иқтисодий тежамга эришилади. 1250 та рационализаторлик таклифи жорий этилиб, бундан 194 минг сўм миқдорида иқтисодий самара олинади.

Қишлоқ жойларида 71 участкада, шу жумладан 12 участкада пландан ташқари вақтли матбуотни етказиб бериш моторлаштирилади. Планга қўшимча равишда 5 та намунали алоқа бўлими ташкил қилинади. 1100 дан кўпроқ даволаш-профилактика муассасаси, маданий-маиший ва коммунал хизмат корхонаси телефонлаштирилади.

Бригада пудрати усулида бажариладиган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми умумий иш ҳажмининг 25 процентигача етказилади, ишлаб турган корхоналарда меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг коллектив формасини жорий этган камида 40 та бригада тузилади.

Материал, ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб фойдаланиш таъминланади, бир миллион киловатт-соат электр энергия, 30 тонна дизель ёқилғи, 60 тонна бензин ва 60 тонна металл тежалади.

Ёрдамчи хўжаликларда қорамол 1,5 баравар кўпайтирилади, 300 тонн

ЮКСАК МАРРАЛАР ЧОРЛАЙДИ

(Боши иккинчи бетда).

Пландан ташқари 3,2 миллион тонна юк, 15 миллион пассажир ташилади, 470 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади, аҳолига 100 минг сўмлик транспорт хизмати кўрсатилади. пландан ташқари 1 миллион сўм фойда олинади. Бригада пудрати усулида йиллик юк ташиш ҳажмининг камида 40 процанти ва пассажир ташиш ҳажмининг 30 процанти бажарилади. Қўшимча равишда 74 та янги автобус маршрути очилади ва аҳолига хизмат қилишнинг 40 тури жорий этилади.

Юк ташишни марказлаштириш даражаси 90 процентга етказилади, шаҳарлараро юк ташишда 4,4 миллион тонна юк шу усулда ташилади. Автомобилларнинг йўл-йўлакай 430 минг тонна юк ташиши таъминланади. Контейнерлар, пакетлар, поддонларда 7,04 миллион тонна юк ташилади. Прицепларда юк ташиш ҳажми 28,5 миллион тоннага етказилади.

Меҳнат, технология ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, машиналарнинг юк ортиш-туширишга пайтида туриб қолишини ва унумсиз исрофгарчиликларни камайтириш, кадрларнинг қўнимсизлигини қисқартириш ҳисобига автомобилда юк ва пассажир ташишда ва саноатда меҳнат унумдорлиги 1 процент, қурилишда 3 процент ўсиши таъминланади. Саноат ишлаб чиқариши ҳажмини ўстиришнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. 1,4 миллион сўм иқтисодий наф берадиган 2650 та рационализаторлик таклифи жорий қилинади.

Авторемонт ва шина ремонт заводларида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш планга нисбатан 5 процент кўпайтирилади ва 150 минг сўмлик шундай маҳсулотлар тайёрланади. Ишлаб чиқариш чиқитларидан ишлаб чиқаришнинг ички эҳтиёжлари учун керакли буюмлар ва халқ истеъмол моллари 250 минг сўмлик миқдорда ишлаб чиқарилади.

Олмазор посёлкасида 140 ўринли болалар боғчаси, Тошкент областининг Калинин районида 360 беморни қабул қиладиган поликлиника ва бошқа муассасалар муддатидан илгари қуриб битказилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўз вақтида ва ҳеч нобуд қилмай ташиб берилади. Мавжуд ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш давом эттирилади ва 25 та янги ёрдамчи хўжалик ташкил этилади. Ёрдамчи хўжаликларда камида 300 тонна гўшт, 330 тонна сут, 2 миллион дона тухум етиштирилади.

15 минг тонна мотор ёқилғиси, 5,5 миллион киловатт-соат электр энергия, 25 минг гегакалория иссиқлик энергияси, 3,7 минг тонна шартли ёқилғи, 90 тонна металл прокат тежаб қолинади. 5 кун тежалган ёқилғи ҳисобига ишланади, 15630 ишчи ва 630 инженер-техник ходим ҳамда хизматчининг малакаси оширилади. 16170 нафар оммавий касбдаги ишчи тайёрланади.

САВДО МИНИСТРЛИГИ

Товар оборати плани 30 декабрда бажарилади, пландан ташқари аҳолига 10 миллион сўмлик мол сотилади. Марказлаштирилмаган тарзда харид қилинган 140 миллион сўмлик саноат моллари, нормативдан ортиқча запаслардан фойдаланиш ҳисобига 120 миллион сўмлик саноат моллари оборотга қўшимча равишда жалб этилади. Зарур турдаги ва тегишли сифатдаги молларни ишлаб чиқаришни ва етказиб беришни кўпайтириш юзасидан тузилган шартномалар ва олинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун саноат корхоналарига нисбатан талабчанлик оширилади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг ўзида пландан ташқари ишлаб чиқарилган 2,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ўзига-ўзи хизмат қилиш усулида реализация қилинадиган молларнинг салмоғи 66 процентга етказилади.

Чала, тайёр масаллиқлар ва пазандалик маҳсулотлари реализация қилувчи 30 та магазин ва бўлим очилади, 70 та фабрика-завод ва 20 та студентлар ошхонаси комплекс тушлик овқат сотишга ўтказилади.

Умумий овқатланиш корхоналарининг ёрдамчи қишлоқ хўжаликларида чўчқаларни 75 минг бошга, паррандаларни 190 мингтага етказилади, тирик вазнда 4,6 минг тонна гўшт етиштириб аҳолига сотилади.

50 минг тонна қанд-шакар, 45 минг тонна ун, 17,5 минг тонна кондитер маҳсулотлари, 15 минг тонна картошка ва сабзавот 27 декабргача қадоқлаб, идишларга солиб сотилиши таъминланади.

Ҳар хил турдаги 10 мингта контейнер ишлаб чиқариш таъминланади ва 4 миллион сўмлик савдо ускуналари тайёрланади. Савдо асбоб-ускуналаридан фойдаланиш коэффициенти 0,8 га етказилади, 7 миллион киловатт-соат электр энергия тежаб қолинади.

Янги магазинлар қуриш ва эскиларини реконструкция қилиш ҳисобига савдо майдонининг 40 минг квадрат метр кенгайтирилиши таъминланади. Умумий овқатланиш корхоналари тармоқлари 14 минг ўринга кўпайтирилади.

Капитал маблағ сарфлаш плани 15 декабргача бажарилади.

Пландан ташқари жами саҳни 10 минг квадрат метр келадиган умумий товар омборлари ишга туширилиши таъминланади.

Савдо ва умумий овқатланишнинг 35 корхонасида меҳнатни илмий ташкил қилишнинг намунавий кўргазмали хизмати вужудга келтирилади ва уларнинг тажрибаси министрлик системасида оммалаштирилади.

Меҳнатга ишбай усулида ҳақ тўлаш асосида ишловчи корхоналар 3400 тага етказилиб, унга савдо ва умумий овқатланиш системасидаги 32 минг ходим жалб этилади.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишлари тинмай такомиллаштирилади, ходимларнинг меҳнат шароитлари яхшиланади.

Оммавий касбдаги 5245 мутахассис, шу жумладан 2414 нафар контролер-кассир ва сотувчи, 1388 нафар ошпаз ва қандолатчи тайёрланади.

Хотин-қизлардан 2000 киши, ёшлардан 1500 киши давлат савдосига жалб этилиб, савдо-сотиқ касбларига ўргатилади.

МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОЮЗИ (ЎЗБЕКБИРЛАШУВ)

Чакана товар оборати плани 30 декабрда бажарилади, қўшимча равишда 10 миллион сўмлик мол сотилади. Умумий овқатланиш корхоналарининг ўзида тайёрланган пландан ташқари 5 миллион сўмлик маҳсулот сотилади. Нормативдан ортиқча запаслардан 70 миллион сўмлик товар оборотга жалб этилади.

120 та магазин харидорлар ўзига-ўзи хизмат қилиш усулига ўтказилади, молларнинг 92 процентигача бўлган қисми илғор усулда сотилади.

9 район матлубот жамиятида, 1350 та чакана савдо корхонасида, 70 та умумий овқатланиш корхонасида, иккита улгуржи базада савдо-сотиқ ишлари комплекс равишда ихчамлаштирилади, 90 та ихтисослаштирилган магазин ташкил этилади.

Камида 125 минг тонна озиқ-овқат молларини қадоқлаб сотиш таъминланади, савдо асбоб-ускуналаридан фойдаланиш коэффициенти 0,73 дан 0,76 га етказилади.

Ишлаб чиқариш қувватларидан тўлатўкис фойдаланиш, янги техника ва технологияни жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш йиллик плани 25 декабрда бажарилади, пландан ташқари ўз корхоналарида 12,7 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.

Қўкламги дала ишлари даврида дала шийпонларида сотувчисиз 2200 та дўкон ўрнатилади, оммавий равишда пахта териш вақтида бу дўконларнинг миқдори 5700 тага, автолавкалар 1750 тага етказилади.

Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари тайёрлаб, Умумиттифоқ фондига етказиб бериш плани 7 ноябргача, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё тайёрлаш ҳамда харид қилиш плани 25 декабрда бажарилади. Халқ усули билан 7,5 минг тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари қишга ғамлаб олинади ва сақлаб қўйилади.

Чорва моллари сотиб олиш, боқиш, чўчқа ва парранда боқиб семиртириш ҳисобига 110 минг тонна гўшт етиштирилиб, савдо тармоғи ва умумий овқатланиш корхоналари орқали аҳолига сотилади, бўрдоқичилик хўжаликларида молларнинг 21 минг тонна семириши таъминланади.

Қурилиш-монтаж ишлари плани 30 декабрда бажарилади, янги савдо корхоналарини қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳисобига магазинларнинг савдо майдони 30 минг квадрат метр кенгайтирилади, умумий овқатланиш корхоналари тармоқлари 21 минг ўринга кўпайтирилади.

Кооператив техникумларда 3620 нафар мутахассис тайёрланади, 10 минг кишига оммавий касблар ўргатилади.

Малака ошириш курсларида 2530 раҳбар ходим ва мутахассис тайёрланади. Хотин-қизлардан 6 минг киши ва ёшлардан 5 минг киши савдо корхоналарида ишлашга жалб қилинади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, иш вақтининг зое ўтишини камайтириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, янги техника ва асбоб-ускуналарни жорий қилиш ҳисобига товар оборати ҳажмини ўстиришнинг ҳаммаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажмининг 85 процанти таъминланади.

Кооперациялаш юзасидан белгиланган йиллик топшириқ 25 декабрда бажарилади, кооперативларга пландан ташқари 5 минг киши жалб этилади.

АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИНИСТРЛИГИ

Маиший хизмат кўрсатиш плани 30 декабрда бажарилади. Маиший хизмат ҳажми пландаги 15,9 процент ўрнига 17,3 процент кўпайтирилади. Аҳолига қўшимча равишда 1 миллион сўмлик хизмат кўрсатилади, товар оборати плани 2 миллион сўмлик миқдорда ошириб бажарилади. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1 миллион сўмлик кўпайтирилади. Иш вақтининг зое ўтишини қисқартириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, янги техника ва технологияни, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор формаларини жорий этиш натижасида меҳнат унумдорлиги 9 процент оширилади. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажмининг 60 процанти шу ҳисобга таъминланади. Фойда олиш плани 450 минг сўм миқдорида ошириб бажарилади.

1 миллион 500 минг киловатт-соат электр-энергия, 890 тонна кўмир, 710 тонна металл тежаб қолинади.

Маиший хизмат корхоналарида 4 мингта янги технология ускунаси ўрнатилади ва янги техникага оид 20 та тадбир жорий этилади, 3100 та кичик механизация воситалари, йилига 210 минг сўм шартли иқтисодий наф берадиган камида 191 та рационализаторлик таклифи жорий этилади. Шу йўл билан қўл меҳнатининг салмоғи 0,5 процент камайтирилади. Ишбай ишчиларнинг 36 процанти меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаларига жалб этилиши таъминланади.

Абонемент хизматини ривожлантириб ва такомиллаштиришни давом эттириб, радио-телеаппаратларни ремонт қилишда унинг улуши 18,5 мингтага, мураккаб рўзғор техникасини ремонт қилишда 8 мингтага етказилади.

Ҳамма жойда аҳолига хизмат қилишнинг буюртма тушган куниёқ бажариш («Бугунгиси—бугун», «Бугунгиси—эртага») принципи асосидаги формаси такомиллаштирилади.

Мураккаб рўзғор техникасини буюртмачининг уйида ремонт қилиб бериш ҳажми 83 процент ва радио-телеаппаратларни уйда ремонт қилиб бериш ҳажми жами хизматнинг 70 процентига етказилади.

Якка тартибда кийим-кечак тикиб берувчи 35 та устахонани биринчи ва иккинчи разрядли ательега ўтказиш ҳисобига хизмат сифати оширилади. Хизмат кўрсатишнинг 18 та янги хили жорий қилинади. Янги тузилган «Узобувьрембит», «Узшвейтрикотажбит», «Ўзбитхимчистка» республика бирлашмаларида кийим-кечак, пойабзалнинг янги моделларини ва хизмат турларини ишлаб чиқиб, барча область бирлашмаларида жорий қиладиган марказий лабораториялар ташкил этилади.

40 та маиший хизмат объекти пландан ташқари қурилади (реконструкция қилинади), қишлоқларда 300 та комплекс қабул пункти очилади.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишлари доимо такомиллаштирилади. 11 мингдан кўпроқ тармоқ ходими тайёрланади ва уларнинг малакаси оширилади.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИ БОШҚАРМАСИ

Юк ташиш йиллик плани муддатидан илгари бажарилиб, йиллик топшириқдан ташқари камида 300 минг тонна юк жўнатилади, юк оборати плани 1,1 миллиард тонна-километр ҳисобида ошириб бажарилади. Юк вагонининг оборати топшириққа нисбатан бир соат тезлаштирилади. Ҳар бир вагоннинг статистик нагрузкаси топшириққа нисбатан 100 килограмм кўпайтирилади.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаб, иш вақтининг зое ўтишини ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириб, меҳнат унумдорлиги топшириқдан ташқари 1 процент оширилади. Юк ташиш таннархи планга нисбатан 0,5 процент камайтирилади ва пландан ташқари камида 1 миллион сўм фойда олинади. Хизмат ҳажми ва турларини янада кўпайтириш, поездларда ва вокзалларда йўловчиларга хизмат қилиш сифати ва маданиятини ошириш таъминланади.

Оғир юкли ва ўта оғир юкли поездларни бошқариш ҳисобига поезднинг ўртача вазнини 100 тонна ошириш таъминланади.

Йил давомида локомотивларда 8 минг тонна дизель ёқилғиси, бир миллион киловатт-соат электр энергия тежалади.

Янги техникага оид 350 та тадбирни жорий этишда 4,5 миллион сўм, ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш йўли билан 4 миллион сўм шартли йиллик наф олинади.

Коллективларни иқтисодий ва социал ривожлантириш комплекс программасига мувофиқ 45 минг квадрат-метр уй-жой фойдаланиш учун топширилади, 51 минг квадрат-метр уй-жойни капитал ремонт қилиш плани 25 декабрда тугалланади.

Товар оборати ва умумий овқатланиш плани 30 декабрда бажарилади, пландан ташқари 1 миллион сўмлик мол реализация қилинади.

Ёрдамчи хўжаликларда 2800 тонна сабзавот, 2280 тонна мева, узум, резавор мева, 500 тонна гўшт, 1800 тонна сут, 1,83 миллион дона тухум етиштирилади.

Йўл-техника мактабларида ва яккабригада усулида 15 минг 700 ишчи тайёрланади, 730 раҳбар ва инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ

Транспорт иши йиллик плани муддатидан аввал, 29 декабрда, халқ хўжалигида авиациядан фойдаланиш йиллик плани 26 декабрда бажарилади ва қишлоқ хўжалик экинзорлари ўз вақтида дориланиши таъминланади.

Пландан ташқари 33 минг пассажир жўнатилади, ўз паркида 40 миллион пассажир-километр учиш таъминланади, 40 минг гектар қишлоқ хўжалик экинзорларига осмондан дори сепилади. Халқ хўжалигидаги ишларни бажариш таннархи планга нисбатан 1 процент камайтирилади ва пландан ташқари 300 минг сўм фойда олинади.

Пассажирларга хизмат қилиш маданиятини янада яхшилаш тадбирлари амалга оширилади.

Тошкент-Фарғона-Свердловск-Ленинград-Тошкент, Тошкент-Андижон-Свердловск-Ленинград-Тошкент йўллари муддатидан илгари «ТУ-134» самолётларида хизмат қилишга ўтказилади. Самолёт-мотор паркининг техникавий хизматда бўлиш муддати планга нисбатан камида 1 процент озайтирилади. Тошкент, Бухоро, Нукус, Наманган ва Навоий аэропортларида учишларни таъминлаш учун янги радио-техника ускуналари ишга солинади ва уларни ишлатиш ўзлаштирилади.

Йилига шартли равишда 950 минг сўмлик иқтисодий наф берадиган камида 600 та рационализаторлик таклифи жорий этилади. Янги техника яратиш ва жорий этиш планларига мувофиқ 250 минг сўмдан зиёд иқтисодий наф берадиган 100 тадан кўпроқ иш бажарилади.

Белгиланган нормаларга қўшимча равишда 1,7 минг тонна авиация ёқилғиси, 800 минг киловатт-соат электр энергия тежаб қолинади.

85 нафар янги ишчи тайёрланади ва 1760 ходимнинг малакаси оширилади.

Авиация корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларида камида 20 тонна гўшт етиштирилади.

БУТУНИТТИФОҚ «СОЮЗУЗБЕКГАЗПРОМ» САНОАТ БИРЛАШМАСИ

Саноат ишлаб чиқариш йиллик плани 30 декабрда бажарилади ва пландан ташқари 1,1 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг 2,3 процент ўсиши таъминланади.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги 2,5 процент, шу жумладан белгиланган пландан ташқари 1 процент оширилади, ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг 88,2 процанти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинади. Маҳсулот таннархини планга қўшимча равишда 0,5 процент камайтириш таъминланади.

Пландан ташқари 60 миллион кубометр табиий газ, 1250 тонна газ конденсати, 750 тонна нефть қазиб олинади, 600 тонна газ олтингугурти ишлаб чиқарилади, 300 метр чуқур қудуқ парма-ланади.

Барча истеъмолчилар ажратилган фондларга асосан газ билан қатъий равишда, узлуксиз ва пухта таъминланади.

Ишлаб турган бригадаларнинг 48,8 процанти пировард натижаларга қараб ҳақ тўланадиган ягона наряд асосида ишлашга кўчирилади.

Нефть ва газ корхоналари қурилиши министрлигининг пудрат ташкилотлари билан биргаликда уч кварталда 176 километр узунликдаги Ховос — Фарғона газ қувури ва 213 километр узунликда Шўртан — Сирдарё ГРЭСи газ қувуридаги кабель алоқа линияси ишга туширилади.

20 декабргача транспортнинг ҳамма турларида юк ташиш йиллик плани бажарилади ва пландан ташқари халқ хўжалигининг 100 минг тонна юки ташиб берилади. Янги техника ва технологияни жорий этиш, ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш йўли билан 4 миллион сўм иқтисодий наф олинади. Йилига шартли равишда 2 миллион сўм иқтисодий наф берадиган 1300 та рационализаторлик таклифи жорий қилинади.

Иқтисодий тежашни кучайтириш ҳисобига белгиланган топшириқдан ташқари 5 минг тонна қозон-печь ёқилғиси, 3 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 3 миллион киловатт-соат электр энергия, 155 тонна дизель ёқилғи, 238 тонна авто бензин, 52 тонна металл прокати, 50 тонна цемент, 60 кубометр ёғоч тежалади. Янги ишчиларга таълим бериш ҳамда ишчилар, илмий-техник ходимларнинг малакасини ошириш ишларига 4480 киши жалб этилади.

Ёрдамчи хўжаликларда республика газ саноати ходимлари учун 61 тонна гўшт, 241 тонна сут, 307,5 мингта тухум, 1728 тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади.

Магазинларнинг савдо майдони 360 квадрат метр кенгайтирилади.

Бирлашманинг корхоналари жойлашган ерлардаги колхоз ва совхозларга ёрдам берилади.

Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ҳисобига прогул, бекор туришни қисқартириш ва маъмуриятнинг рухсати билан отпускага чиқиш оқибатида иш вақтининг зое ўтиши 221 одам куни миқдорида қисқартирилади.

БУТУНИТТИФОҚ «СОЮЗМАШХЛОПКОВОДСТВО» САНОАТ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва асосий турдаги буюмларни ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган йиллик план 29 декабрда бажарилади, меҳнат унумдорлиги планга қўшимча равишда бир процент оширилади, маҳсулот таннархи пландан ташқари 0,5 процент камайтирилади.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг камида 81 процанти меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланади. 750 минг сўмдан иборат пландан ташқари фойда олинади.

Планга қўшимча равишда 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, 50 та трактор, 100 та пахта териш машинаси, 60 та чигит экиш сеялкаси, гербицид солиш учун 50 та мослама, ғўзапояни юлиб ғарамлайдиган 30 та механизм, 125 минг сўмлик эҳтиёт қисм ишлаб чиқарилади. Шартномалар юзасидан маҳсулот етказиб бериш планининг бажарилиши таъминланади.

Герметик кабиналар билан таъминланган пахта териш машиналарининг давлат синови тугалланади. Герметик кабинали тракторларни кўплаб ишлаб чиқариш, шу йилнинг биринчи кварталида эса универсал сеялка ва культиваторлар ишлаб чиқариш бошланади.

Ленинск прицеплар заводида янги ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришни жадаллаштириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1983 йилга нисбатан 4 миллион сўмлик кўпайтирилади.

Халқ истеъмол қиладиган 11 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилади ва иш ҳақи фондининг ҳар сўми ҳисобига 29 тийинлик мана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши таъминланади.

6 турдаги маҳсулот олий Сифат белгиси аттестациясидан ўтказилади ва қайта ўтказилади, давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг салмоғи ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида 32,3 процентга етказилади.

Янги техникага оид 423 та тадбир, шу жумладан 98 та автомат, ярим автомат ва агрегат станоклар, 18 та автомат, ярим автомат ва механизациялашган поток линиялар, 8 та робот жорий этилади. Шу йўл билан шартли равишда 664 киши бошқа ишлар учун бўшатиб берилади ва қўл меҳнатининг салмоғи 4 процент камайтирилади. Машина-ускуналарнинг смена коэффициенти 1,5 дан 1,61 га етказилади.

Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этиш йўли билан 3,4 миллион сўм тежаб қолинади.

Қувватлардан фойдаланиш даражаси 96 процентга етказилади.

Қаттиқ иқтисодий тежаш ва ташкилий-техникавий тадбирларни жорий этиш ҳисобига 354 тонна металл прокати, 1000 тонна қозон-печь ёқилғиси, 1100 гигакалория иссиқлик энергияси, 1 миллион 460 минг киловатт-соат электр энергия, 13,5 тонна дизель ёқилғи, 14 тонна автомобиль бензини, 151 кубометр ёғоч тежалади.

Ишлаб чиқаришнинг ўзида 2500 нафар янги ишчи тайёрланади, 4150 ишчининг, 1100 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, 3700 киши иқтисодий ўқишга жалб қилинади.

Ишчиларни меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасига жалб этиш даражаси 77,5 процентга етказилади, улар ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулот ҳажмининг 65 процентини ишлаб чиқарадиган бўлади.

Корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида 5,2 тонна гўшт, 12,5 тонна сут етиштирилади.

Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига 78 та бригада, 1687 нафар ишлаб чиқариш илғори беш йилликнинг тўрт йили планини муддатидан аввал 27 октябрда бажаради.

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1984 йилги давлат плани ва мўқобил план муддатидан илгари, 28 декабрда бажарилади.

Иш жойларига план асосида огоҳлантирувчи хизмат кўрсатиш системасини, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш асосида белгиланган пландан ташқари меҳнат унумдорлиги 1,1 процент ошишига эришилади, таннархни камайтириш ҳисобига қўшимча 800 минг сўм фойда олинади.

Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш 1983 йилга нисбатан 2,4 миллион сўм кўпайтирилади, шундай маҳсулотларнинг ҳар хил янги турини тайёрлаш ўзлаштирилади. Ишлаб чиқарилаётган ва давлат Сифат белгисини олган халқ истеъмол моллари солмоғи аттестация этилувчи маҳсулот ҳажмида 82 процентга етказилади.

Иш вақти бекор кетишини камайтириш, юксак интизом ва меҳнатни ташкил этиш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишни тезлатиш ҳисобига асосий технологик ускуналарнинг алмаштирилиш коэффициенти 1,46 га етказилади. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш бригада формасининг янада ривожланиши таъминланиб, ишчиларнинг камида 78 процанти шу формага ўтказилади.

Илғор заготовкалардан фойдаланиб, технологик жараёнларни такомиллаштира бориб, 680 тонна қора ва рангли металл, 10 тонна дизель ёқилғиси, 16,4 тонна бензин, 2 миллион киловатт-соат электр энергияси, 660 тонна шартли ёқилғи тежалади. Техника тараққиётини кенг қўламда авж олдириш, ишчиларнинг ташаббуслари асосида иқтисодий самараси 2,38 миллион сўмлик 3700 рационализаторлик таклифлари ва ихтиролари жорий этилади.

Технологик интизомни, ишчиларнинг шахсий масъулияти ва малакасини ошира бориб, ҳар бир ишчида завод маркаси учун ифтихор туйғуларини тарбиялаб, биринчи тақдимдаёқ топширилган маҳсулот миқдори 99,2 процентга етказилади.

Капитал маблағ ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажми йиллик планини муддатидан илгари, 25 декабргача ўзлаштириш таъминланади.

44 минг квадрат метрдан зиёд уй-жой саҳни фойдаланишга топширилади, бирлашмадаги меҳнаткашларнинг камида 1380 оиласининг уй-жой шароитлари яхшиланади.

Ёрдамчи хўжаликни янада ривожлантириш ҳисобига Озиқ-овқат программасини амалга оширишда юксак натижаларга эришилади. 1984 йилда 200 тонна гўшт, 200 тонна сут, 12,8 тонна асал етиштирилади. Ёрдамчи хўжаликда озуқа цехи ва санитария салгохлик пункти муддатидан илгари қуриб битказилади, минерал ўғит омбори қурилади.

Физкультура ва спортни янада ривожлантириш, спортнинг ҳар хил турлари бўйича оммавий мусобақаларни ўтказиш ҳисобига 4288 киши ГТО нишони олишга, 3680 спортчи оммавий разрядларга, 92 киши биринчи разряд ва спорт мастерлигига номзодликка, 7 киши СССР спорт мастерлигига тайёрланади.

«УЗБЕКХЛОПКОМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан йиллик план муддатидан илгари, 27 декабргача бажарилади, пландан ташқари 800 минг сўмлик саноат маҳсулоти, шу жумладан 50 минг сўмлик халқ истеъмол моллари реализация қилинади.

Ишлаб чиқариш ҳажми 1983 йилга нисбатан 7,5 процент оширилади. Меҳнат унумдорлиги пландаги 5,2 процент ўрнига 6,2 процент оширилади ва ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 92,2 процанти ана шу омил ҳисобига ҳосил қилинади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи планга нисбатан 0,5 процент пасайтирилади.

Сара уруғчилик модификациясидаги жин-линтер машина ускуналари билан таъминланган уруғчилик станцияларининг икки объектида оталиқ монтаж ва ишга тушириш-созлаш ишлари ўтказилади. 27 пахта заводи ва 90 тайёрлаш пункти учун машина-ускуналар ишлаб чиқариш таъминланади, шу билан комплекс ҳолда етказиб бериладиган машина ускуналар ишлаб чиқариш 1983 йилга нисбатан 24,2 процент кўпайтирилади. Йиллик топшириқдан ташқари тола ажратувчи машина-ускуналарга 350 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрланади.

Бутун номенклатура бўйича машина ускуналар ишлаб чиқариш планлари сўзсиз бажарилиши ҳамда тузилган шартномаларга мувофиқ етказиб берилиши таъминланади.

12 хил янги маҳсулот, шу жумладан 10 хил халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. 4 хил буюм давлат Сифат белгисини олиш учун аттестацияга қўйилади ва ишлаб чиқариш жами ҳажмида шу маҳсулотнинг салмоғи 15,7 процентга етказилади.

Янги техникага оид 265 ташкилий техник тадбирларни жорий этиш ҳисобидан 1,5 миллион сўмлик 68 та рационализаторлик таклифлари ва ихтироларини жорий этишдан 1,6 миллион сўмлик йиллик иқтисодий самара олинади, 70 киши бошқа ишларга ўтказилади. Қўл меҳнатининг салмоғи 32 процентгача туширилади.

Ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларида машина-ускуналарнинг сменали ишлаш коэффициенти кўпайтирилиб 1,35 дан 1,5 га етказилади. Пировард натижага қараб ҳақ тўланадиган ягона наряд асосида ишлайдиган бригадалар сони 117 тага етказилади ва маҳсулот жами ҳажмининг 50 процентини шу бригадалар тайёрлаб чиқаришига эришилади.

Иш вақтининг зое кетиши 1,8 минг киши-кунига қадар, кадрларнинг қўнимсизлиги эса 2,8 процент камайтирилади.

60 тонна қуйма чўян, 470 тонна металл прокати, 800 гигакалория иссиқлик энергияси, 100 минг киловатт-соат электр энергияси тежалади.

«Чустхлопкомашзапчасть» заводи ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш, «Ургенчхлопкомаш» заводида «ОВМА» маркали тола ажратувчи машина ҳамда икки хил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни, Андижондаги «Коммунар» заводининг Марҳамат шаҳридаги филиалида вентиляторлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобига қўшимча беш юз минг сўмлик маҳсулот олинади.

240 ўринли пионерлар лагери мўлжалдаги муддатидан икки ой илгари қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилади. 533 янги ишчи тайёрланади, 347 ишчи ва 170 инженер-техник ходим ҳамда хизматчининг малакаси оширилади. Ёрдамчи хўжаликларда 3,6 тонна гўшт, 8 тонна сабзавот етиштириб, бирлашма меҳнаткашларига сотилади.

Сирдарё область Ильич районида оталиқдаги Волков номли совхозга машина-механизмларни ремонт қилишда 50 минг сўмлик техникавий ёрдам берилади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига 3 участка, 6 бригада ва ишлаб чиқариш илғорларидан 216 киши беш йилликнинг тўрт йили планларини муддатидан илгари, 27 октябрда бажаради.

«УЗБЕКТЕКСТИЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Ишлаб чиқариш ҳажми ва асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш юзасидан йиллик план муддатидан илгари, 28 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 300 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан ДВ-1 М маркали 50 та валикли жин машина реализация қилинади. Меҳнат унумдорлиги топшириқдан ташқари 1 процент оширилади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмининг бутун ўсиши ана шу кўрсаткич ҳисобидан олинади. Маҳсулотнинг таннархи қўшимча 0,5 процент камайтирилади.

Ички резервлардан, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш ҳисобига тола ажратувчи машиналар тайёрлаб чиқариш 2,6 миллион сўмлик, кукун металлургия методи билан олинадиган маҳсулотлар 12 процент кўпайтирилади.

Янги техника юзасидан 37 тадбирни, шу жумладан гальваник усул билан қоплама югуртириладиган битта автомат линияни ҳамда программа билан бошқариладиган икки автомат манипуляторлар (саноат роботларини) жорий этишдан 140 минг сўмлик, рационализаторлик таклифлари ва ихтироларини жорий этишдан 200 минг сўмлик шартли йиллик иқтисодий самара олинади. Машина-ускуналарнинг сменалик коэффициенти 1,41 дан 1,5 га етказилади.

Иш вақтининг зое кетиши 850 киши-кунига, кадрларнинг қўнимсизлиги 1983 йилга нисбатан 6 процент, қўл меҳнатининг салмоғи 2 процент пасайтирилади.

Меҳнатга пировард натижаларга қараб ҳақ тўланадиган битта наряд билан ишлайдиган бригадалар сони 85 тага етказилади, шундай иш формасига тортилган ишчилар 51 процентга ва ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида бундай кишилар тайёрлайдиган маҳсулотнинг салмоғи 27 процентга етказилади.

Ишлаб чиқарилаётган машиналар бутун номенклатураси юзасидан маҳсулот етказиб бериш плани сўзсиз бажарилиши таъминланади.

А2-ХТН маркали хамир узадиган машина олий сифат категориясини олиш учун аттестацияга қўйилади ва аттестация этилувчи маҳсулот ҳажмида давлат Сифат белгисини олган маҳсулот салмоғи 49 процентга етказилади.

4 та янги хил халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ўзлаштирилади ва иш ҳақи фондининг 1 сўмига шундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш салмоғи 30 тийингача бориши таъминланади.

Белгиланган топшириқдан ташқари 100 минг киловатт-соат электр энергияси, 200 гигакалория иссиқлик энергияси, 20 тонна шартли ёқилғи, 25 тонна қора металл прокати тежалади.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги ихтисослашган конструкторлик бюросининг коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VII пленумининг қарорларини бажара бориб, жами иқтисодий самараси 2,4 миллион сўмлик 4 та илмий техник ечимни жорий этади, 6 та янги хил маҳсулотнинг тажриба ишлаб чиқариш синовларини ўтказади.

300 нафар янги ишчи тайёрланади, 680 ишчи, 150 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, 650 киши иқтисодий таълимга тортилади.

Жиззах область Мирзачўл районида жойлашган оталиқдаги «КПСС XXIV съезди» совхозига машина- механизмларни ремонт қилишда 15 минг сўмлик ёрдам берилади.

Озиқ-овқат программасини бажара бориб, чўчқачилик комплекси қуришда қатнашилади ва «Кокандтекстильмаш» заводининг ёрдамчи хўжалигида қорамол боши 50 тага етказилади.

«УЗЭЛЕКТРОТЕРМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Планл

ЮКСАК МАРРАЛАР ЧОРЛАЙДИ

(Боши 2 ва 3-бетларда)

Меҳнат унумдорлиги планда кўзда тутилган 2,5 процент ўрнига 3,5 процент бўлишига эришилади. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 88 проценти ана шу кўрсаткич ҳисобидан олинади. Меҳнат унумдорлиги ўсишининг камида 80 проценти фан-техника тараққиёти омиллари ҳисобидан бўлиши таъминланади. Янги техника, илғор технологияни жорий этишдан 4 миллион сўмлик иқтисодий самара олишга эришилади ва шартли равишда камида 80 кишини бошқа участкаларга ўтказиш имконияти туғилади.

Иқтисодий самараси 600 минг сўмлик камида 450 рационализаторлик таклифлари жорий этилади. Қўл меҳнатининг салмоғи 0,3 процент камайтирилади. Меҳнат ресурслари, моддий ресурслар, ёқилғи-энергетика ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ҳисобига товар маҳсулоти бир сўмига кетадиган ҳаражатлар пландан ташқари 0,5 процент пасайишига эришилади, шу билан бирга қўшимча камида 350 минг сўм фойда олинади. Махсус технологик машина-ускунанинг сменалик коэффициенти 2,19 га ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 96 процентга етказилади.

310 минг киловатт-соат электр энергияси, 410 гигакалория иссиқлик энергияси, 16 тонна шартли ёқилғи, 20 тонна ПХВ пластикати ва плёнкаси, 15 тонна бронелента, 10 тонна полиэтилен, 5 тонна алюминий фольга тежалади.

Икки тур маҳсулот давлат Сифат белгисини олиш учун аттестацияга қўйилади, олий сифат категориясидаги маҳсулотларнинг салмоғи умумий ишлаб чиқариш ҳажмида 63 процентга кўпайтирилади.

Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаларига жалб этилган ишчилар тайёрлаб чиқарадиган маҳсулот салмоғи ишлаб чиқариш жами ҳажмида 77,0 процентга етказилади.

Ишлаб чиқаришда 300 нафар янги ишчи тайёрланади, 880 ишчининг, 120 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади. Камида 960 киши иқтисодий таълимга жалб этилади.

Озиқ-овқат программасини амалга ошира бориб, 20 гектар ер ем-хашак экинларини экиш учун ўзлаштирилади. Қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда, машина-механизмларни ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатишда оталиқдаги колхозга ёрдам берилади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига 7 бригада, 490 ишлаб чиқариш илғори беш йилликнинг тўрт йили планини муддатидан илгари, 27 октябргача бажаради.

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Иқтисодий эксперимент шароитларида ишлаш имкониятларидан фойдаланиб, умуман ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун пухта замин яратиш ҳаракатида ишлаб чиқариш ҳажми, норматив-соф маҳсулот, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари юзасидан йиллик план муддатидан илгари, 29 декабрда бажарилади. Маҳсулот етказиб бериш юзасидан зиммага олинган мажбуриятларни назарда тутиб, маҳсулот реализация қилиш плани тузилган шартномаларга мувофиқ бажарилиши таъминланади.

Моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иш вақтининг зое кетиши ва кадрлар қўнимсизлигини камайтириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ҳисобига пландан ташқари 300 минг сўмлик маҳсулот, 586 электр шкафи, энергетика шчити ва панеллари, 13 минг дона пакет виключатель ва переключатель, 6 минг дона реле тайёрланади ва реализация қилинади. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 10 процент кўпайтирилади. Йил мобайнида камида 7 хил янги маҳсулот, шу жумладан, аҳоли учун уч хил мол ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Меҳнат унумдорлигининг планда кўзда тутилган 4,5 процентга нисбатан 5,5 процент ўсишига эришилади, ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши ана шу кўрсаткич ҳисобига олинади. Фан-техника тараққиёти омиллари ҳисобига меҳнат унумдорлигининг камида 45 процент ўсиши таъминланади. Янги техника ва илғор технологияни жорий этиш ҳисобига 1,5 миллион сўмлик иқтисодий самара олишга эришилади ва шартли равишда камида 380 ишчи бошқа участкаларга ўтказилади.

Иқтисодий самараси 650 минг сўмлик камида 300 рационализаторлик таклифлари жорий этилади, қўл меҳнатининг салмоғи 1 процент пасайтирилади. 1 сўм товар маҳсулотга кетадиган ҳаражатлар пландан ташқари 0,5 процент пасайишига эришилади, бунда камида 50 минг сўм фойда олинади. 484 тонна қора металл прокати, 500 минг киловатт-соат электр энергияси, 47 тонна шартли ёқилғи тежалади.

Бирлашмалар филиалларини техника жиҳатдан янада ривожлантиришни давом эттириб, маҳсулот ишлаб чиқаришни ихтисослаштириб, Қорақалпоғистон АССР-даги Тахиатош филиалида СФОА типидаги станцияларни, Андижондаги «Электроаппарат» заводида энергетика шкафларини ва Тошкентдаги «Реле ва автоматика» заводида нур билан сигнал берадиган сақловчи қурилмаларни кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Давлат сифат белгисини олган маҳсулотлар салмоғи 1983 йилда эришилган 37,4 процент ўрнига 42 процентга етказилади.

Пировард натижаларга қараб ҳақ тўланадиган ягона наряд асосида ишлайдиган янги типдаги комплекс ва узлуксиз бригадаларнинг иш самарадорлиги муттасил ошириб борилади. Шу бригадаларда меҳнат унумдорлигининг 8 процент ўсишига эришилади.

900 янги ишчи тайёрланади, 990 ишчининг, 185 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, камида 2050 киши иқтисодий таълимга тортилади.

Тошкент электротехника заводи учун манший хизмат шаҳарчаси ва ёшлар ётоқхонаси, Андижон группа заводлари учун пионер лагери, «Реле ва автоматика» заводи учун «Мечта» пионер лагерининг маъмурий корпуси ва медицина-санитария қисми қуриб фойдаланишга топширилади. Тошкент ва Марҳамат электротехника заводлари базасида ва Андижон «Электроаппарат» заводида гўшт етиштирадиган ёрдамчи хўжалик, «Реле ва автоматика» заводининг ёрдамчи хўжалигида асал етиштириш ташкил этилади. Қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда, қишлоқ хўжалик машина-механизмларини ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатишда оталиқдаги колхоз ва совхозларга ёрдам берилади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига 10 бригада, 630 нафар ишлаб чиқариш илғори беш йилликнинг тўрт йили планини муддатидан илгари, 27 октябргача бажаради.

«ЎЗБЕКНЕФТЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Нефть ва газ запасларини кўпайтириш йиллик плани муддатидан илгари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги кунигача бажарилади. Пландан ташқари 550 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Халқ истеъмол моллари сифати оширилишига ва хили кўпайтирилишига эришиб, белгиланган топшириқдан ташқари 10 минг сўмликдан кўп шундай моллар тайёрлаб чиқарилади.

Илғор технологияни жорий этиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш, план ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтидан фойдаланишни яхшилаш асосида нефть қазиб чиқариш ва қудуқ пармалашда меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 1 процент ўсиши таъминланади. Шунинг ҳисобига йил охиригача пландан ташқари 9000 тонна нефть ва 7,5 миллион кубометр газ қазиб чиқарилади, чуқур пармалашда 500 метр ва структуравий-қидирув пармалашда 400 метр қудуқ пармаланади.

Нефть бериш самарасини ошириш мақсадида Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида капролактам ишлаб чиқаришдан олинадиган 700 тонна ишқорий чиқит ва 200 тонна каустик сода нефтли қатламларга ҳайдалади. Маҳсулдор горизонтларга 2,5 миллион кубометр саноат оқинди суви, 2 миллион кубометр юқори босимли газ ҳайдаш таъминланади.

Янги техника ва илғор технология тадбирларини янада кенгроқ жорий этиш йўли билан бир миллион сўм миқдорида иқтисодий самара олинади. Йиллик иқтисодий самараси 0,6 миллион сўмлик камида 300 рационализаторлик таклифи ва беш ихтиро ишлаб чиқаришга жорий этилади.

550 киши меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасига тортилади, шундай бригадалар қазиб чиқарадиган нефть юз процентга етказилади.

Янада оқилона технологик режимлар, техник асосланган нормаларни қўллаш, моддий ресурслар ва энергетика ресурсларини тежаб ишлатиш ҳисобига 3260 минг киловатт-соат электр энергияси, 550 гигакалория иссиқлик энергияси, 140 тонна шартли қозон-печь ёқилғиси, 75 тонна қора металл прокати тежалади.

Олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузуридаги малака ошириш факультетлари ва курсларида 170 инженер-техник, раҳбар ходимнинг малакаси оширилади, бирлашманинг ўқув-курс комбинатида эса 2 минг ишчи тайёрланади ва малакаси оширилади.

Ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш давом эттирилади, 65 тонна гўшт ва 30 тонна сабзавот етиштирилиб, меҳнаткашларга сотилади. Бирлашма корхоналарининг агроцехларида 75 тонна маккажўхори дони, 450 тонна ҳар хил озуқа етиштирилади. Қишлоқ хўжалик ишларини бажаришда колхоз ва совхозларга ёрдам берилади.

Ишчилар таъминоти бошқармаси товар оборотининг планини муддатидан илгари, 28 декабрда бажаради, марказлашмаган тартибда 1,5 миллион сўмлик озиқ-овқат ва саноат молларини харид этади, пландан ташқари 300 минг сўмлик халқ истеъмол моллари сотади.

ЧИРЧИҚ «ЭЛЕКТРОХИМПРОМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш йиллик плани 29 декабрда бажарилади. Планга қўшимча равишда 1,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Пландан ташқари 25 минг тонна, шу жумладан, 1984 йилги ҳосил учун 15 минг тонна шартли бирликларда минерал ўғит ишлаб чиқарилади. Пландан ташқари камида 300 минг сўмлик фойда олинади, маҳсулотнинг таннархи 0,5 процент арзонлаштирилади.

Иш вақтидан оқилона фойдаланиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини ошириш, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига меҳнат унумдорлигининг 1983 йилги даражага нисбатан 12 процент ўсишига эришилади. Ялпи маҳсулот ўсишининг 95 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади.

Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг куч-ғайратларини моддий ресурсларни тежашга сафарбар этиб, нормалардан ташқари 20 миллион киловатт-соат электр энергияси, 10 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 1 минг тонна шартли ёқилғи, 100 минг сўмлик хом ашё ва материаллар тежаб қолинади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш юзасидан партия ўртага қўйган вазифани ҳал эта бориб, йилига 800 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган янги техника ва илғор технологияга доир 22 тадбир амалга оширилади, 450 рационализаторлик таклифи ва ихтироларни жорий этишдан 360 минг сўмлик шартли йиллик иқтисодий наф олинади. Капролактам ишлаб чиқариш учун ўрнатилган қувватлардан фойдаланиш 1983 йилда эришилган даражага нисбатан 9,2 процент оширилади. Кўп тоннали агрегатда аммиак ишлаб чиқариладиган янги қувват ўзлаштирилади ва унда қувватлардан фойдаланиш учун белгиланган даражага эришилади.

400 янги ишчи тайёрланади, 1000 ишчининг, 140 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади. 3100 киши сиёсий ва иқтисодий ўқишга жалб этилади.

Коллективни социал ривожлантириш комплекс планини бажара бориб, камида 9500 квадрат метр уй-жой, 360 беморни қабул қила оладиган поликлиникаси бўлган 240 ўринли касалхона комплекси, 220 ўринли ошхона фойдаланишга топширилади.

Ёрдамчи хўжаликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш соҳасидаги ишлар давом эттирилади, чорва моллар 1200 бошга етказилади, корхона ходимларига камида 100 тонна гўшт реализация қилинади.

«НАВОИАЗОТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Йиллик план 30 декабрда бажарилади ва қўшимча 600 минг сўмлик маҳсулот берилади. Топшириқдан ташқари 15 минг тонна минерал ўғит, 200 тонна уксус кислотаси, 100 тонна циан тузи ишлаб чиқарилади. Саноат ишлаб чиқариши ҳажмини топшириққа мувофиқ 1 процент ўстириш таъминланади.

Меҳнат унумдорлигининг пландан ташқари 1 процент ўсишига эришилади. Маҳсулот таннархи қўшимча 0,5 процент арзонлаштирилади.

Темир йўл вагонлари бекор туриб қолишини қисқартириш ҳисобига пландан ташқари 60 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилади.

Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан 20 миллион киловатт-соат электр энергияси, 10 минг гигакалория иссиқлик энергияси тежалади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш мақсадида камида 2 миллион сўмлик иқтисодий самара берадиган янги техникага доир тадбирлар жорий этилади, рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этишдан камида 1,5 миллион сўмлик наф олинади.

Бирлашма ишини яхшилаш мақсадида комплекс ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилади: II нитрон ишлаб чиқарувчи 1, 2, 3-ШАН агрегатларида юзани бўяйдиган қурилмалар ишга туширилади, ўтказилган реконструкцияга мувофиқ аммиак ишлаб чиқариш корхонасининг биринчи навбатида контрол ва автоматлаштириш системаси фойдаланишга топширилади, аммиак селитраси идишсиз ташилиши ўзлаштирилади, 4-цехда К-905-61-1 ҳаво компрессори монтаж қилинади, ҳавони ажратувчи блок янгиланади ва 2-цехда катализация йўли билан тозалайдиган қурилма фойдаланишга топширилади, қоп ортадиган икки машина ўзлаштирилади.

Ишчиларнинг камида 55 проценти меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формаси билан қамраб олинади. 1983 йилдагига нисбатан иш вақтининг зое кетиши 950 кишикун камайтирилади.

Аммиак ишлаб чиқарувчи биринчи ва иккинчи навбатда ўрнатилган қувватлардан фойдаланиш 1983 йилда эришилганига нисбатан 3 процент оширилади. 1983 йилга нисбатан нормал технология режимидан четга чиқиш 2 процент камайтирилади.

Кадрлар қўнимсизлиги 1983 йилга нисбатан 5 процент камайтирилади, 5158 ходимни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таъминланади.

Бирлашманинг ёрдамчи хўжалигида қўйлар 850 бошга етказилади, 700 тонна сабзавот, полиз маҳсулотлари ва мева етиштирилади.

Пахта теримида, ем-хашак тайёрлашда, техникани ремонт қилишда қишлоқ меҳнаткашларига оталиқ ёрдами кўрсатилади.

ФАРҒОНА «АЗОТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш давлат плани муддатидан илгари, 30 декабрда бажарилади, пландан ташқари 1,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. 1983 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг 9 процент ўсиши таъминланади. Планга қўшимча равишда 1 минг тонна минерал ўғит (аммоний сульфати), 1200 тонна аммиак, 600 тонна дефолиант, 100 тонна целлюлоза ацетати ишлаб чиқарилади, маҳсулот таннархи 0,5 процент ёки 800 минг сўмлик арзонлаштирилади.

Тежамкорликни кучайтириш, цехлар ишининг бир маромда давом этишини таъминлаш ҳисобига 7 миллион киловатт-соат электр энергияси, 7 минг гигакалория буғ, 50 тонна этилацетат, 50 тонна целлюлоза тежалади. 800 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган янги техникага доир 10 та тадбир жорий этилади.

Аммиак ишлаб чиқариш учун ўрнатилган қувватлардан фойдаланиш 1983 йилда эришилган натижага қараганда 19,8 процент ва целлюлоза ацетати ишлаб чиқарувчи қувватлардан фойдаланиш 9,5 процент оширилади.

Хлорид магний дефолианти давлат Сифат белгиси олиши учун аттестацияга тақдим этилади. Ишчиларнинг қарийб 50 проценти меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг бригада формаси билан қамраб олинади ва бунда хўжалик ҳисоби элементлари қўлланилади.

Юк ортиш-туширишни механизациялаш ҳисобига қўл меҳнатидан фойдаланиш 2 процент камайтирилишига эришилади. Камида 300 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган 270 та рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Пахта теримида, ем-хашак тайёрлашда, техникани ва қишлоқ хўжалик иморатларини ремонт қилишда оталиқдаги совхозга ёрдам берилади.

Ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш давом эттирилади ва ундаги қорамолларга 80 бошга етказилади.

Коллективни социал ривожлантириш программасини бажара бориб, 430 янги ишчи тайёрланади, 800 ишчининг, 125 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллиги юбилейи кунига қадар пландан ташқари 500 тонна дефолиант, 8 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилади, эҳтиёт қисмлар тайёрлаш юзасидан беш йилликнинг тўрт йили плани бажарилади.

«СРЕДАЗУГОЛЬ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

Кўмир қазиб чиқариш йиллик плани муддатидан илгари, 27 декабрда бажарилади ва планга қўшимча равишда 100 минг тонна кўмир қазиб чиқарилади. Пландан ташқари 700 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Меҳнат унумдорлиги топшириқдан ташқари 1 процент оширилади. 1 тонна кўмирнинг таннархи қўшимча 0,5 процент арзонлаштирилади.

Ички резервлардан, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, янги техникага доир тадбирларни жорий этиш ҳисобига таннарх юзасидан 400 минг сўм, 400 рационализаторлик таклифи ва ихтироларни жорий этишдан эса 600 минг сўм тежалади. Қулдорлик даражасининг пландаги нормасига эришилади, пландан ташқари 16 минг тонна йирик — ўртача классдаги кўмир чиқарилади. Кон массасини экскавация қилишда камида 1220 минг кубометр унумдорликка эга бўлган юқори унумли иш режими билан ишлайдиган еттита бригадага, ҳар бир локомотив ҳисобига унумдорлиги йилига 1 миллион тонна кон массаси тўғри келадиган саккиз локомотив бригадасига, БелАЗ автомобили ҳисобига унумдорлиги йиллик норматив нагрузкаларидан кам бўлмаган 12 автомобиль бригадасига эга бўлинади.

1983 йилга нисбатан иш вақтининг зое кетиши 200 киши-кун, кадрлар қўнимсизлиги 0,5 процент, қўл меҳнати салмоғи 1,0 процент камайтирилади.

Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаси асосида ишлаётган кишиларнинг сони меҳнаткашлар умумий сонининг 60 процентига ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулот салмоғи жами ҳажмининг 90 процентига етказилади.

Белгиланган топшириқдан ташқари 70 минг киловатт-соат электр энергияси, 12 гигакалория иссиқлик энергияси 80 кубометр ёғоч-тахта ва 10 тонна қора металлар прокати тежаб қолинади.

1984 йилнинг тўртинчи кварталида йилига 500 минг тонна кўмир қазиб чиқариш қувватига эга бўлган «Ангренский» разрези реконструкция қилинаётган биринчи ишга тушириладиган комплекси фойдаланишга топширилиши таъминланади.

125 нафар янги ишчи тайёрланади ва 300 ишчининг, 30 инженер-техник ходим ва хизматчининг малакаси оширилади, 3500 киши иқтисодий таълимга жалб этилади.

Тасдиқланган тадбирларга мувофиқ республиканинг оталиқдаги совхозлари, колхозларига ёрдам берилади.

Озиқ-овқат программасини бажара бориб, ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилиш давом эттирилади ва ҳар бир корхона шундай хўжаликка эга бўлади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилган куннинг 60 йиллиги шарафига пландан ташқари 80 минг тонна кўмир қазиб чиқарилади, беш йиллик тўрт йили топшириғи эса 25 ноябрда бажарилади.

* * *

Ўзбекистон меҳнаткашлари партия XXVI съезди қарорларини рўёбга чиқариш учун куч-қувватимиз ва меҳнатимизни аямаймиз, 1984 йилги ва умуман беш йиллик тўрт йили топшириқларини ошириб бажарамиз, деб КПСС Марказий Комитетига ваъда бередилар.

Ушбу социалистик мажбуриятлар бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар коллективларининг йиғилишларида қабул қилинган.



Республика Фанлар академиясининг Зоология ва паразитология институти олимлари халқ хўжалиги аҳамиятига молик йирик проблемалар устида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Институт берган қатор тавсиялар чорвачилик соҳасида катта ютуқларни қўлга киритишга кўмак берди. Суратда: [чапдан] биология фанлари кандидатлари — катта илмий ходим З. Шчербань, институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари В. Гектин, катта илмий ходим С. Дадаевлар биргаликдаги тадқиқот натижаларини муҳокама қилмоқдалар. А. Жданов фотоси.

Ер қимирлади

22 январь куни Москва вақти билан соат 14 дан 09 минут ўтганда Қирғизистонда, Козоғистон ССР чегарасига яқин жойда ер қимирлади. Зилзила марказида силкиниш 4—5 балл бўлди. Қирғизистон ССР Фанлар академияси сейсмология институтининг маълумотларига кўра, ер қимирлаш манбаи Пржевальск шаҳридан 30 километр шимолдадир.

Дастлабки маълумотларга қараганда, қурбонлар ва вайронагарчиликлар йўқ. (ТАСС).

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ТЕЗКОРЛИК ВА ЧАККОНЛИК

Тошкентдаги «Ёшлик» спорт аренасида республика шахсий чемпионати ўтказилди. Мусобақада ёшлар юқори натижа кўрсатишга ҳаракат қилишди. Жумладан, қизлар мусобақасида узунликка сакраш бўйича Ирина Вдовенко 5,26 метр маррани эгаллаб ғалаба қозонган бўлса, Светлана Савченко ядрони 15 метру 51 сантиметрга улоқтириш билан зафар қучди. Баландга сакраш устаси Людмила Бутузова бу safar 1 метр 82 сантиметр натижа билан биринчи ўринни олди. 60 метрга тўсиқлар оша югуришда А. Журавлёва, 200 метрли масофада эса Г. Раҳматовалар муваффақият қозонишди.

Йигитлар баҳси ҳам мароқли бўлди. 60 метрга тўсиқлар оша югуришда Вячеслав Кокин, 200 метрли масофада Олег Есин, минг метрга югуришда Анатолий Калининлар чаққонлик кўрсатдилар. Уч ҳатлаб сакрашда В. Панич 16 метру 33 сантиметрли натижага эришди. Г. Скорников ядрони 17 метру 94 сантиметрга улоқтириб, ғолиблик супасига кўтарилди.

БАҲСЛАР ВА ҒОЛИБЛАР

● ВЕЛОПОЙГА. Москвада «Аэрофлот» совғини учун ўтказилган халқаро мусобақада тошкентлик А. Панфилов спринт пойгада маррага иккинчи бўлиб келди.

● СУВ ТЎПИ. Олмаота ва Тошкент шаҳарларида олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг биринчи давра сўнггги тур ўйинлари бошланди. Тошкентда пойтахт торпедочилари, Москва ва Тбилиси динамочилари, Ленинграднинг «Балтика», Москва давлат университети ҳамда Тошкентнинг «Меҳнат» командалари ўзаро баҳслашмоқдалар. Дастлабки учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Меҳнат» [Тошкент] — МДУ — 7:11, «Балтика» — «Торпедо» (М) — 7:6, «Динамо» (М) — «Динамо» (Тб) — 9:14.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/I да Ғийбат, 25/I да Юлдузли тунлар, 26/Iда Зебуннисо.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати ва Ишлар бошқармасининг партия, касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг масъул ходими У. Аширбековга акаси

Ажиниёз АШИРБЕКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правленияси СССР Журналистлар союзининг аъзоси, Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг аъзоси, «Хорезмская правда» область газетасининг редактори

Владимир Семенович МИЛЬГОТИННинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Телевидение

24 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-1. 9.00—Время. 9.40 Ҳужжатли фильмлар. 10.25 — Достигаев ва бошқалар. Фильм-спектакль. 12.45 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 16.40 — Болалар учун концерт. 17.30 — Ерда, самода ва денгизда. 18.00 — Расмларда қуёш акси бор. 18.15—Ҳужжатли фильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Сайловлар олдидан. 19.45 — Қамал. Бадиий фильм. I-қисм. 21.30 — Время. 22.05 — КПСС Марказий Комитетининг мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги лойиҳасини муҳокама қиламиз. 22.35 — Концерт. 23.20 — Дунё воқеалари. 23.35 —Спорт ҳафталиги.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Бўёқлар оҳанги. 9.35 ва 10.45 — Табиатшунослик. 9.55 — Илмий-оммабоп фильм. 10.15 ва 14.30 —Француз тили. 11.05 — Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. 11.35 ва 12.40 — Физика. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.10 — Тарих. 13.35 — Биология. 14.05 — Зоология. 15.00 — География. 15.30 — М. В. Ломоносов. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.20 — Концерт. 19.45 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 20.30 —Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.50— Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Омад лаҳзаси. Бадиий фильм. 23.10 — А. Пластов ижоди.

ТОШКЕНТ-1. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.25 — Санъат гунчалари. 18.55 — КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 й) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Илм-ҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қирол Лир. Бадиий фильм. 2-серия. 23.15 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.30 — Москва-II. 18.10 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 18.40 — Телефильм. 18.50 — Нўз-неъмат бунёдкори. 19.10 — Эстетика асослари. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Тинчликка ким хавф солмоқда. 21.20 — Телефильм. 21.30 — Москва-II.

25 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ўсмирлар ижоди. 10.10 — Қамал. Бадиий фильм. 1-қисм. 11.55 — Саёҳатчилар клуби. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Концерт. 16.45 — Ҳужжатли фильм. 17.45 — 16 ёшгача ва ундан катталар. 18.30 — Қалбга яқин қўшиқлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Сиз яратган боғ. 19.55 — Концерт. 20.15 — Қамал. Бадиий фильм. 2-қисм. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.05 — Концерт.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва — 10.35 — География. 10.05 ва 13.50 — Немис тили. 11.05 — Физика. 11.35 ва 12.40 — Биология. 12.05 — Оила ва мактаб. 13.10 — Тарих. 13.40 — Инсон ахборотлар оқимида. 14.20 — Д. И. Фонвизин. Думбул бойвачча. 15.05 — Илмий-оммабоп фильм. 15.20 — Совет тасвирий санъатида коммунист образи. 15.50 — О. Берггольц поэзияси. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Билимимиз — қудратимиз. 19.30 — Дунё ва ёшлар. 20.05 — Илмий-оммабоп фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.00 — Инсон ва қонун. 21.20 — Романс. 21.30 — Время. 22.05 — Айбсиз айбдорлар. Бадиий фильм. 23.40 — Баскетбол. СССР чемпионати. ЦСКА — СКА.

ТОШКЕНТ-I. 11.15 — Янгиликлар. 11.30 — Физика. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Физика. 13.00 — 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Меҳнат семестрига аъло баҳо. 18.40 — Инсон болаликдан бошланади. 19.10 Машаққатли ҳосил йили. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.00 — Ахборот. 20.50 — Ў. Умарбеков. Ижод саҳифалари. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.20 — Соқов рицарь. Спектакль. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. — 9.00 — 16.30 — Москва-II. 18.15 — Телефильм. 18.30 — Ўқитувчи экрани. 19.00 — Телефильм. 19.10 — Сайловдан-сайловгача. 19.40 — Қадрдон ернинг нашидаси. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Эстетика асослари. 21.00 — Телефильм. 21.30 — Москва-II.

Радио

24 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

Биринчи программа. 8.30 — Ўзбек Давлат филармонияси солистларининг концерти. 9.30 — Дўстлик байроғи. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 18.15 — СССР Олий Советига сайловлар чинакам халқ ҳокимиятининг ёрқин ифодасидир. 19.25 — Ёшлик. 21.00 — Адабий суҳбат. 23.12 — Сув полоси бўйича СССР чемпионати. Меҳнат — Динамо (Тб).



БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16. 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Р. 07037. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 20. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15